





# ЁШЫЛДАРЫ

## ДОНОЛАР ҮГИТИ









# ЁШЛАРРЯ

ДОНОЛАР ЫГИППИ





ЎЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТИФОҚИ

РЕСПУБЛИКА ИСТЕЙЛОДИ ЕШЛАРНИ КЭЛДАВ-  
ҚУВВАТЛАШ УЛУГБЕК ЖАМГАРМАСИ

# ЁШЛАРДА ДОИНОЛАР ӮДИДИ



Ғафур Фулом номидаги национал мағбия изоодий ути  
Ташкент - 2018

SamDUKF ARM

2755

-sonli



Ешларимизниң мустақил фикрлайыған, юксак интеллигенттал өз маңнавий салдохиятта жа бўлиб, дунё миқёсига ўт тенгданаларига ҳеч қайси соҳада бўши келмайдиган иноситлар бўлиб камол топини, баҳтиш бўлинин учун давлатимиз ва жасамиятимизниң бор куч ва имкониятинини сифарбар этамиз.

**Шавкат Мирзиёев,**  
*Узбекистон Республикаси Президенти*





## СҮЗВОШИ ҮРНДА

Бутун дунё мутафаккирлари ва улуг аждодларимиз буюк маънавиятиниң маҳсули бўлган доно фикрлар, панд-насиҳатлар, афоризм ва ибратли сўзлар халқимизни ҳамиша адолатли иш тушишга, тўғри йўлдан адашмасликка ўндовчи зиё машъяласи бўлиб келган. Бу бебаҳо бойлик халқ маънавий оламининг гўзал ва буюк кирралари бўлиб, унинг ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий жихатдан бутун бир миллат сифатида баркарор бўлишига хизмат килади.


“Оталар сўзи – аклиниг кўзи”, деб бежиз айтитмаган Дононлар ўғитлари, халқ маколлари, айниқса, ешларнинг ички олами, рухий дунёси ва тафаккурини шакллантиришида ниҳоятда катта ўрин тутади. Уларни мөхнатсеварлик, ватанга садоқатли бўлиниш, илм-хунар эталланиш, ҳар ишни ўз вактида бажариш, лафзида қатъий туриш, ота-онага хурмат, устозларга эхтиром кўреатиш, яхшилик килишини ўз маслаги деб билини фазилатлари руҳида тарбиялади. Шу боисдан ҳам қўлингиздаги мазкур китоб характеристлар стратегияси асосида тобора янгилаётган Ўзбекистон истиқболи ва иқбалини белгиловчи азиз ўғил-қизларимизга мўлжаллаб яратилди. Китоб муидарижаси улуг аҳтомаларини

ешларини ни энди инсоний физияттар рухида тарбиялашыга каратылған фикрлари ассоциа алохидар бойынша таснифланади. Мұхтарам Президентіміз Шавкат Мирзиёевнің маңузатаридан олинған, айникса, бутун шешларға, уларнинг баркамол инсон – ва юкори малакалы қадрлар бўлиб етишинишига каратилған Ута мухим иқтибослар эса ўз мавзу йўналишига караб кичик бўлимларга ажратилди.

Улуг мугаффакир бобомиз Абдулла Авлоний тарбия борасида, айникса, хастимиз давомчиси, кўзимизниң оку кораси бўлган дигъиб фарзандларимиз келажаги хакида доимо кайгуриб, бигина хуисерликка чорлаб келтаги:

“Інсанни саломатлиги ва сабодати учун яхши тарбия килмоқ – ганини нок тутмак, сиң вактдан маслаганин тузатмак, яхши хулсарни ўрталмак, смиң хулклардан саклаб ўстурмакдир. Тарбия килучинлар табиб кабилурки, табиб хастанини баданидан касалинга дине китани каби тарбияни боланини вужудидағы жаҳт марказига “яхши хулк” деган девони ичидаи, “поклик” деган девони устидан беруб, катта килмак лозимдир. Ҳар бир мислданини слодати, давлатларининг тинч ва роҳати ёшларининг гарбисига боллинидир”


Шу маинода умид күлеми икни сипларимиз инсониятнинг бебою мүлки санацан донодар ўғитини мутолаа килар экан, буюк джудодларимиз колтирган бой манавий меросини ўрганибина көтмай, оларни шарафли хаёт йўулларидан хам иборат оладилар, кўнгистарида фаҳр-иғтихор туйгусини тұядылар. Үшбү китоб юксек манавияттын авлодин вояга етказишида, ёшларинин ҳакиқий ватаннарвар, ұл-юрг тәкдири учун фидой, садоқатли сузи на ини бир, адабетпарвар, вижлонли ва ориятли инсонлар бўлиб камол топишинга хизмат килади, уларни бутуниги кунга да ҳадорлық хиссига билан яшашы а ўргатади, деб ишонамиз,





ЎЗБЕКИСТОН  
ПРЕЗИДЕНТИ  
**ШАВКАТ**  
**МИРЗИЁЕВНИНГ**  
**МАЪРУЗАЛАРИДАН**  
**ИҚТИБОСЛАР**





## ЁШЛАР – БАЗНАНГ КЕЛАЖАРЫМЫЗ

Юксак маънавиятли, замонавий бىлтим ва касб-хунарларга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш биз учун энг муҳим масалалардан биридир.

\* \* \*

Маданият ёшлиқдан, инсонни болалар боғчасида, мактабда китоб ўқишига ўргатишдан бошланади.

\* \* \*

Хозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда.

\* \* \*

Болаларимизни бирорларниң қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим.

\* \* \*

Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган



XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бермоқда. "Тарбия қаинча мұкаммал бўлса, халқ шунча баҳтли ишайди", дейди доңишмандлар. Тарбия мұкаммал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

\* \* \*

Биз ёиларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қаттият билан давом эттирамиз. Нафакат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаёттани юксак даражага кўтарамиз.

\* \* \*

Ёиларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва математик салоҳиятта эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошлиларига ҳеч қайси соҳада бўши келмайдиган инсонлар бўлиб камол тоинни, баҳтли бўлиши учун давлатимиз ва ясаминтижининг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз.

\* \* \*

Мен кўн ўйлар мобайинида олий ўқув юргида домла, проректор бўлиб ишилаганиман. Ёилар билан ишилашининг қандай мураккаб эканини, бунинг учун, аввало, катта билим ва тажриба, сабр-тоқат, талабчанлик билан бирга меҳрибонлик ҳам зарур эканини ўз шахсий тажрибамдан яхши биламан.

\* \* \*

Ёиларимиз билан кўпроқ гаплашиши, уларининг қалбига қулоқ солини, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беринимиз, айниқса, қиз болаларни илм-фани, касб-хунар сирларини пухта эгаллашга ўргатиш, уларининг маидаатларини ҳимоя қилиши, ҳаётда муносиб ўрин топишинга ёрдамлашиш керак.

\* \* \*

Ёшларимиз қалбидა Ватанга мұхаббат ва садоқат түйрүсими камол тоңтириш, уларни соғлом турмуш тарзи руҳида тарбиялашы қаратылған тарғибот ишларини күчайтирамиз.

\* \* \*

Ёшларимизнинг китоб ўқишига бўлган қизиқишини оширишга, уларниң китоб билан дўст бўлишига, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

\* \* \*

Ёшларимиз ўртасида ҳуқуқий маданият, соғлом турмуш тарзини, жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилишига қаратылған ишларниң самарасини оширишни бугун даврниңг ўзи талаб этмоқда.

\* \* \*

Ёшларимизнинг Ватанимиз келажаги учун жавобгарликни зымасига олишига қодир бўлган, бутунги ва эртанги куни мизниң ҳал этувчи кучига айланиб бораётгани барчамизга ғуур ва ифтихор бағишлиайди.

\* \* \*

Уюшмаган ёшлар қатлами билан ишлаш, уларниң дарду ташвишлари, муаммоларини эшитиш ва уларни ечишга амалий ёрдам бериш, мустақил ҳаётта кираётган ёш йигит-қизлар, ёш оиласарни қўллаб-қувватлаш учун ҳаммамиз, давлат, жамоат ташқилотлари биргаликда ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Ешикда, талабалик даврида – сиз ҳали ҳеч ким бүлмаган, ўзаро муносабатлар фақат тенглик ва самимият асосига қуриладиган даврда пайдо бўлган дўстлик ҳақиқий дўстликдир. Шу пайтда орттирган дўстларигиз чинакам оғайниларингиздир.

\* \* \*

Майли, ёшлар ўз давриининг талаблари билан уйғун бўлсан. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улув зотларининг авлодимиз деган даъват уларининг қалбида доимо аке садо бериб, ўзлигига содик қолининг ундан турсан.

\* \* \*

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи давлат ва жамият учун раҳбар кадрларни тайёрлаб берадиган ўзига хос марказ бўлинчи, замонавий тилда айтадиган бўлсак, ёшлар учун “социал лифт” шизифасини бажариши керак. У билимли, ташаббускор ва ташкилотчи, фидойи ёш раҳбарларининг кадрлар захирасини яратиши керак.

## АЖДОДЛАР ФАХРИМИЗ

Биз аждодларимизният ёрқин хотирасини асрраб-авайлаб, қадимизда, юрагимизда абадий сақлаймиз. Букилмас ирова, фидойилик ва жасорат намунасини амалда намоки этиб, ўз ҳаётини азиз Ватанимизниң ҳар

томонлама равнақ топишига бағишилаган устоз ва  
мураббийларимиз, замондошларимиз билан биз  
чексиз фахрланамиз.

\* \* \*

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз биз – авлодларга  
қолдирган васиятида ғоят муҳим бир фикрга алоҳида  
урғу бериб, “Эл дардига дармон бўлмоқ – эзгу вазифан-  
гиздир”, деб таъкидлагани албатта бежиз эмас.

\* \* \*

Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Исо ва Ҳаким  
Термизийлар, Маҳмуд Замахшарий, Муҳаммад  
Қафғол Шоший, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳрор  
Валий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу  
Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улугбек,  
Алишер Навоий ва бошқа қўплаб даҳолар номи нафақат  
ислом, айни вақтда жаҳон цивилизацияси тарихига ҳақли  
равища олтин ҳарфлар билан битилган.

\* \* \*

Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг  
қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишла-  
рида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир.  
Тарихий меросни асрар-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан  
авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим  
устувор йўналишларидан биридир.

\* \* \*

Алишер Навоий бобомизнинг “Одамий эрсанг, демагил  
одами, Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами” деган сатрларида  
қанчалик чуқур ҳаётий ҳикмат, фалсафа бор. Яъни  
бу дунёда инсонларининг дарду ташвишларини ўйлаб

жашы – одамийликкінің әнг олий мезонидир, халқнинг  
тамағдан узоқ бұлған инсонни одам қаторига құшиб  
бұлмайды, деб таъкидламоқда улуғ бобомиз.

\* \* \*

Улуғ аждодимиз Заҳириддин Мұхаммад Бобурни олайлик.

Бу буюк зот ўи иккі ёшидан бошлаб Темурийлар  
давлатиниң сақлағанда қолиниң учун үзини ўтга ҳам, чүкқа ҳам  
урди, ҳеч қандай душмандан ҳам, синовдан ҳам құрқмади.  
Қириқ олти йылдик умри давомида бир зум ҳам ҳаловат  
білмесдан ўтди. Үз авлодларига Ватанига бўлған буюк  
муҳаббатин, эзгу фазилатларни мерос қилиб қолдирди.

\* \* \*

Абдулҳамид Чўлониниң олайлик. XX аср бошларидағи  
миллатимиз тақдирини, унинг бошынга тушган фожиалар-  
ни, озделик нағарияттың қадрини ҳеч ким мумтоз шоири-  
миз каби юксек пардаларда куйлаган эмас.

\* \* \*

Халқимиздин Абу Райхон Беруний ва Абу Наср Форобий,  
Хўжа Аҳмад Ясавий ва Баҳоуддин Нақшбанд,  
Алишер Навоий ва Абай Қўнонбоев, Ойбек ва Мухтор  
Авезов, Гафур Гулом ва Собит Муқонов каби улуғ  
намояндалари ва бошқа күнлаб атоқлы олимлар, мутафак-  
кир ва шоирлар мероси бизнинг умумий бойлигимиздир.

\* \* \*

Нажмиддин Кубро улуғ ёшида бўлишига қарамасдан  
Чинтияланшарларига қарши мардоғавор жангга киргани,  
Ватан байробини унинг қўлидан тортиб ололмаган ёвуз  
босқинчилар у зот ҳалок бўлганидан кейин қўлини кесиб,  
байробин олишгани тиљларда достон бўлиб келади.

\* \* \*

Буюк Британиялик мухбир ўзининг мобиъе телефонини кўрсатиб, “Мен ҳар сафар шу телефондан фойдаланганимда унинг ичида мужассам бўлган буюк ўзбек Муҳаммад Хоразмий даҳосига таъзим қиласман” дейди.

\* \* \*

Буюк мутафаккир Юсуф Ҳожиб айтганларидек, “Дунёда икки турли инсон ҳақиқий инсон саналади: Бири – ўргатувчи, бири – ўрганувчи”. Мен сизларниң ҳар бирингизга ана шундай ҳақиқий инсон бўлиш бахти насиб этишини тилайман.

ВАТАН ВА ХАЛҚКА  
ХИЗМАТ ҚИЛУШ-  
ОЛАН СЛОДАТДАР

Ҳаммамизни тарбиялаган, вояга етказган – шу халқ.  
Барчамизга туз-насиба берган ҳам – шу халқ. Бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам айнан шу халқ.

\* \* \*

Ўсиш, ривожланиш деганда биз фақат рақамларни, миқдор кўрсаткичларни эмас, балки уларниң сифат кўрсаткичларига айланиб, халқимизниң кундалик ҳаётига, унинг рўзгори ва дастурхонига қандай таъсир кўрсатаётганига алоҳида эътибор берамиз.

\* \* \*

Ватапарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама

ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар  
этүчи күч сифатида намоён бўлади.

\* \* \*

Ватанга садоқат билан хизмат қилиш мактабини ўтаган  
иавқирон ўғлонларимиз ишончли таяич ва суюнч бўлиб  
хизмат қилади.

\* \* \*

Янгина ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли,  
ташиббускор, илгор бошқарув усулларини пухта  
ўзлантирган, ватанинварвар, ҳалол кадрларни  
тандан ва тайёрлани бўйича самарали тизим  
яратилмае экан, давлат бошқарувидаги сифат  
ўзгарини юз бермайди.



ИПОВЛЯЦИОН  
ФОЛ  
ИСТИҚБОЛИМIZ

Яратганинг ўзи ито этган яна бир бебаҳо бойлигимиз  
борки, у ҳам бўлса, ҳалқимизнинг бекиёс  
интеллектуал ва маънавий салоҳиятидир.

\* \* \*

Бугунги кунда дунёда инновацион ғоясиз, илм-фан  
ютуқларисиз биронта соҳанинг ривожланиши мумкин  
рмае. Заҳматкан фидойи олимларимизни худо берган  
одамдар, десак, хато бўлмайди. Уларни бошқалар билан

төңг қилиш мүмкін әмас. Бұндай инсонлар мінгтадан, миллионтадан біттә туғилади. Уларни асраб-авайлашимиз, ҳар томонлама құллаб-қувватлашимиз лозим. Бітта илм намояндасини етиштириш учун давлат, жамият 30 йил вақт сарфлайды. Олим бўлиш учун инсон умр бўйи ҳаракат қиласы.

\* \* \*

Ҳаммамиз яхши биламиз, бугунги давр юқори технологиялар, инновациялар замонидир. Дунёдаги ривожланған мамлакатлар ўз олдига нафақат күплаб маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни бозорга олиб чиқиши, балки чуқур билим ва илмий ютуқларга асосланған инновацион иқтисодиётта ўтиш вазифасини қўймоқда.

\* \* \*

Мамлакатни инновацион ривожлантириш стратегияси ва механизмлари энг аввало шу давлатда яратилған интеллектуал ва илмий-техникавий салоҳиятдан қаңчалик самарали фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ.

### ҲАР БАРУМЗ ТАРБИЯЧУМЗ

Педагогларимиз яхши билади, тарбия, одоб-ахлоқ соҳасида “амалий намуна” ҳал қилувчи аҳамиятта эга бўлади. Фарзандларимизга аввало ўзимиз ҳамма соҳада – Ватанга, халққа садоқатли бўлишда, илмга,

касбу ҳунарга меҳр қўйишида, ота-она, жамият олдидағи бурчимизни сидқидилдан адо этишда амалий намуна кўрсатишимиш керак.

\* \* \*

Ҳар биримиз қаерда, қайси лавозимда ишлашимиздан қатъи нашар, аввало тарбиячи эканимизни, болаларимиз тақдирин учун шахсан масъул эканимизни, бу замоннинг ўтири талабига айланадтанини ҳеч қачон унутмаслигимиз шарт.

\* \* \*

Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар куни, ҳар дақиқада унинг юрин-турини, кайфиятидан огоҳ бўлиб турмасак, уларни илму ҳунарга ўргатмасак, муносаб иш тошиб бермасак, бу омонатни бой бериб қўйиншимиш ҳеч гап эмас.

\* \* \*

Оммавий маданийт кўришинида кириб келаётган турли таҳдидлар, гиёхандлик, диний экстремизм, миссионерлик каби бало-қазошардан ёнъяримизни асраш, уларининг таълим-тарбиясига ҳар биримиз масъул эканимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

\* \* \*

Агар маҳаллангизда бола заарли диний оқимга кириб қолған бўлса, уни потўғри йўлдан қайтаришга ҳаракат қилинг. Аввало, улар билан гаплашиб, бу – ота-боболарнин бўли эмас, бу йўлдан қайт, ҳақиқат мана бу ёқда, тиңлик ва зигулик йўлидан бориб, ҳеч ким кам бўлмаган, деб уларни соғлом эътиқодга ишонтириш керак. Билим билан, ақл ва матърифат, намунали ёшлар билан ишонтириш керак. Тарихдан, бугунги ҳаётимиздан олган ҳаётий, таъсирчан мисоллар билан ишонтириш керак.

\* \* \*

Агар биз шу йўналишдаги ишларни аввалгидек давом эттирадиган бўлсак, яъни умумий профилактика ишларини ёшлилар радикал диний оқим аъзосига айланганидан сўнг ўтказадиган бўлсак, бундай хавф-хатарга қарши ҳеч қачон самарали кураша олмаймиз. Қисқача айтганда, узоқни кўзлаб, керак бўлса, ҳаётда бир қадам олдинда юриб, бизни дорда қолдирмоқчи бўлганларнинг ҳийланайрангларини аввалдан билиб, биринчи зарбани улар эмас, биз беришимиш зарур. Шунда давлатнинг – давлат, жамиятнинг – жамият экани бор кучи ва қудрати билан намоён бўлади.

\* \* \*

Бугунги кунда “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳтли бўлишлари шарт!” деган ҳаётий даъват ҳар биримизнинг, ота-оналар ва кеңг жамоатчиликнинг онги ва қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаган.

\* \* \*

Ҳар бир бола – бамисоли ўсиб, кучга тўлаётган, парваришга муҳтож нозик бир ниҳол. Бинобарин, уни ҳеч қачон меҳр ва эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

\* \* \*

Таълим ва тарбия соҳасидаги туб ислоҳотларни юксак босқичга кўтариш, мамлакатимизнинг тақдирни ва келажаги учун масъулиятни ўз зинмасига олишга қодир бўлган янги авлод кадрларини вояга етказишга қаратилган ишларни изчил давом эттириш ҳаммамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас бурчимиздир.



\* \* \*

Таълим ва тарбия, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спортни ривожлантириш масалалари, ёшларимизнинг чуқур билимга эга бўлиши, чет тилларини ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини пухта эгаллашини таъминлаш доимий устувор вазифамиз бўлиб қолади.

\* \* \*

Сиёсатиниг муҳим йўналиши бўлган мактабгача таълим-тарбия тизимишнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ётиборимиз марказида бўлади.

\* \* \*

Фарзандларимиз тарбияси, маънавий-маърифий соҳадаги ишларимизни бир зум ҳам сусайтирмасдан, аксинча, уларни янги босқичга кўтаришимиз лозим.

\* \* \*


Фарзандлар тинчлиги, уларнинг бахти, камоли – жамиятиниг энг катта бойлиги. Бунинг аҳамиятини ота-она бўлган одам билади. Айниқса, ҳозирги иотинч, мураккаб замонда бу ҳақиқатни янада чуқурроқ англаш –  
бу ҳам ҳаёт талабидир.

\* \* \*

Агар биз ота-оналаримизга ҳақиқий ёрдам берамиз, десак, уларни ҳаёт найтида қадрлашимиз, эъзозлашимиз көрак. Мен шу гапларни юрагимдан айтяпман, эрталаб ишга кетишимида, ортимиздан дуо қилиб қоладиган, жатқурун очиқ юз билан кутиб оладиган ота-оналаримиз, бобо ва момоларимизнинг бўлиши катта баҳт.

\* \* \*

Барчамизга аёнки, юртимиздаги ҳар қайси инсон, ҳар қайси оиланинг энг эзгу орзу-мақсадлари, ҳаётий манфаатлари авваламбор унинг фарзандлари тимсолида намоён бўлади, рўёбга чиқади.



КИТОВ ЭНГ  
ЛҔИН ДЎСТ

Ҳаммамизнинг олдимиизда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган масала, яъни китобхонликни кенг ёйиш ва ёшларимизнинг китобга бўлган муҳаббатини, уларнинг маънавий иммунитетини янада оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси турибди.

\* \* \*

Ҳозирги кунда мамлакатимизда китобхонлик савиясини ошириш, мутолаа маданиятини юксалтиришга катта аҳамият берилаётгани сизларга маълум. Лекин, кўплаб болаларимиз китобдан узоқлашиб, кўп вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказаётгани – бу ҳам бор гап. Биз фарзандларимизнинг онги, дунёқараши асрлар давомида синовдан ўтган, юксак маънавият хазинаси бўлган жаҳон ва миллий адабиётимиз асосида эмас, балки қандайдир шубҳали, зарарли ахборотлар асосида шаклланишига бепарво қараб туролмаймиз.



\* \* \*

Китобсиз тараққиётта, юксак маънавиятта эришиб бўлмайди. Китоб ўқимаган одамнинг ҳам, миллатнинг ҳам келажаги йўқ.

\* \* \*

Китобхонлик маданиятини юксалтириш – мақсадларимизга эришишининг муҳим кафолатидир.

\* \* \*

Биз жамиятимизда китобхонлик маданиятини юксалтириш бўйича бошлаган ишларимизни изчил давом эттирамиз.

КУЧ –  
БИЛИМДА

Қачон биз кучлимиз – билимли бўлсак, қачон билимли бўламиз – ўз устимизда ишласак.

\* \* \*

Илм-фан намояндадарининг, таъбир жоиз бўлса, “игна бисган қудук қазийдиган” заҳматкаш олимларимизнинг матиаққатли илмий изланишлари мамлакатимиз, унинг бугунги ва келгуси равнақи учун жуда катта аҳамиятта эга.

\* \* \*

Миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётиниң энг сара намуналарини ижтимоий тармоқларга жойлаштириш ва уларни кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор бериш муҳим аҳамият касб этади.

\* \* \*

Дунёда илм-фан соҳасидаги ютуқлар айнан фундаментал тадқиқотлар йўналишида қўлга киритилгани тасодифий эмас. Шуниңг учун эндиликда фундаментал фанларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соҳани иқтидорли ёш кадрлар билан таъминлаш давлатимизнинг муҳим вазифаларидан бири сифатида кун тартибига қўйилмоқда.



АЁЛ  
ГЎЗАЛЛЯГУ  
ОЛАМИН БЕЗАР

Аёл гўзал бўлса – олам гўзал, аёл баҳтли бўлса – оила, бутун жамият баҳтли бўлади.

\* \* \*

Хозирги кунда оналар ўз фарзларини армияга кўзда ёш, юракда хавотир билан эм , балки менинг ўғлим ҳақиқий Ватан ҳимоячиси бўлади, деб, юксак ишонч ва фахр туйғуси билан кузатмоқда.

\* \* \*

Оналар күнглидаги розилик – бу бутун халқымыз  
қалбидаги розилик ифодаси, десам, айни ҳақиқатни  
айтган бўламан.

\* \* \*

“Она билан бола – гул билан лола” деган чиройли мақол  
бор. Ҳақиқатан ҳам, она ва бола соғлом бўлса, оила тинч,  
ҳаётимизда файз-барака, ишимизда унум бўлади.

\* \* \*

Ҳар қайси оиласининг юкини ўзининг нозик елкасида  
кутариб келаётган, оила қўргонининг файзу фариштаси  
бўлган аёл зотини эъзозлаш, опа-сингилларимизнинг  
оғирини сингил қилини – бизнинг эзгу вазифамиздир.

\* \* \*

Мұхтарама оналаримиз, мұнис аёлларимиз – бизни  
дүнёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган,  
хонадонларимиз кўрки, таровати бўлиб келаётган азиз  
ва меҳрибон зотлардир. Уларга ҳар қанча эътибор ва  
ғамхўрлик кўреатсак, эъзозлаб бошимизга кўтарсак,  
шуича кам, албатта.

\* \* \*

Қиз боладарининг замонавий билим ва қасб-ҳунарларни,  
хорижий тилларни эталлашлари, ҳар томонлама соғлом ва  
барқамол бўлиб, ҳаётдан муносиб ўрин топишлари учун  
барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

ХАЛҚА  
ХИЗМАТ ҚИЛИШ  
БЕМІНПІАТДЫР

Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат  
идоралари халқа хизмат қилиши керак.

\* \* \*

Халқ бой бўлса, давлат ҳам албатта бой ва  
қудратли бўлади.

\* \* \*

Фақатгина халқимизнинг азму шикоати ва қудрати,  
букилмас иродаси ва қатъияти, энг муҳими, мустақил  
тараққиётга бўлган мустаҳкам ишончи буюк мақсадлари-  
мизга эришишнинг бирдан-бир кафолатидир.

\* \* \*

Ўзимизга ўзимиз хиёнат қилмасак, ўзимизни ўзимиз  
алдамасак, ҳалол-пок бўлиб меҳнат қилсак мен аминман,  
кўзлаган барча мэрраларимизга албатта эришамиз.

\* \* \*

Ҳар бир давлат хизматчиси ҳар куни ўзининг меҳнати  
билин эгаллаб турган да ўзимига дойиклигини  
исботлан

\* \*

Ҳамма нарсани ўз номи билан, ютуқни – ютуқ,  
камчиликни – камчилик деб иш олиб бормасак,  
биз ўз мақсадларимизга етолмаймиз.



\* \* \*

Фуқарәларниң ҳар қандай муаммоларини ҳал этиш давлаттинг халиқа иисбатан асосий мажбуриятларидан бири әканини унтушига ҳеч кимниң ҳаққи йўқ.



Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди.






Ҳамма нарсадан устун қўядиган адолат туйғусини ҳаётимиизда том маъниода қарор тонтириш – энг асосий вазифамизга айланиши шарт.




Ишни жамоа бўлиб бажарсан ҳам, унинг натижаси учун ҳар биримиз шахсан жавоб берадиган вақт-соат келди.









## ЁШЛИК – УМР БАХОРЫ

Ёшларга кўзгуга кўпроқ боқиб туришни маслаҳат бераман, токи уларнинг хушсурати ўз ҳусиларини шарманда этмасин, бадбашаралари эса хунукликларини одблари билан безасин.

*Суқрот*

\* \* \*

Ёшлик инсон ҳаётининг сўнгги йиллари учун уруғ қадаладиган баҳор палласидир.

*Яков Княженин*

\* \* \*

Ёшлик – тез ўтиб кетадиган камчиликдир.

*Йоханн Вольфганг Гёте*

\* \* \*

Ёшлик – ёш бўлмаганлар ут

*Камчиликдир.*

*– индр Дюма ота*

\* \* \*

Ботинимизда биз барчамиз бир хил ёшдамиз.

*Гертруда Стайн*

\* \* \*

Ҳар бир ёшинг ўз жозибаси бор, ёшликининг  
эса яна бошқа афзалликлари ҳам бор.

*Геннадий Малкин*

\* \* \*

Дастлабки йигирма йил – ҳаётининг энг узун бўлагидир.

*Роберт Сауту*

\* \* \*

Катта бўлишини орзу қилувчи ҳақиқатан ҳам  
ёни инсонидир.

*Владислав Гжешчик*

\* \* \*

Ёшлик агар сал кечикиб келганида  
умрнинг идеал ҳолати бўлур эди.

*Герберт Асквий*

\* \* \*

Инсон хато қилиб қўйишдан  
қўрқмас экан, у ёшдир.

*Петр Капица*

\* \* \*

Қани энди ёшлик билса, қарилик  
куч-қувватга эга бўлса эди!

*Анри Эстъен*

\* \* \*

Ёшилигинда кексалик учун донолик тўпла.  
Чунки ундан ишончлироқ бисот йўқ.

*Тривналиқ Биант*

\* \* \*

Ёшлик бошқага кетди.

Михаил Генин

\* \* \*

Ёшиликдан ўргансанг ҳунар, ҳаёт айтганингта кўнар.

Ўзбек халқ мақоли

\* \* \*

Ёшилика илм олиб, кексайганда эса ана  
шу илмдан завқланиб яшамоқ энг тўғри йўлдир.

Сенека

\* \* \*

Ёшлар гўзаллик нима эканлигини яхши  
билимайдилар: уларга фақат – эҳтироқ маълум.

Люк де Кланье Вовенар

\* \* \*

Ёшилика шундай иш қилки, қариганингда  
фойда берсин ва унинг беҳуда ўтганидан афсусланма.

«Оталар сўзи»

\* \* \*

Ёшилика илм хазинасини йиғгин, қаригач сарф қилгин.

Алишер Навоий

\* \* \*

Кийимни янгилигига сақла, обрўйини – ёшиликдан.

Ўзбек халқ мақоли

\* \* \*

Кексайгани паллада дунёни ёшлар бошқаради.

Жорж Бенард Шоу

\* \* \*

Ёшликдаги мاشаққатдан қүркма, қариганда келар  
мухтожликтан қүрк.

*Хитой халқ мақоли*

\* \* \*

Ёшликда олиғап билим тошга ўйилган нақш кабидир.

*Хадис*

\* \* \*

Ёшликда захмат чекиб, илм ўргансаң,  
касб-хунар әгалласаң, қариганда роҳат топасан.

*Ҳусайн Вонз Кошифий*

\* \* \*

Ёшлик – бир бепарволикдир, йигитлик –  
бир мусобақа, қариллик эса таассуфдир.

*Ўзбек халқ мақоли*

\* \* \*

Ҳаёт экан, ишиқ деган савдо  
Борми фақат менинг бошимда,  
Кимни этмас бу кўнгул шайдо,  
Ким шеър ёзмас менинг ёшимда.

*Эркин Воҳидов*

\* \* \*


Ёшликда ёш бўлиш керак.

*Эркин Аззам*


\* \* \*


Дўстларингиз ёш кўринасиз, деб ҳайратлана бошласа,  
шуининг ўзи кексайиб қолганингизниң аниқ белгисидир.

*Вашингтон Ирвинг*



پنجه ای کفتاده بند  
پنجه ای کفتاده بند





## АНУШЕРВОНДЫ ӨДҮЛ ХИКАМДАЛАРЫ

Бузургмеҳр сүзга оғиз жуфтлаб деди:

— Мен ўз устодимдан сўрар ва у жавоб берар эди:

Шогирд:

— Эй устод, Худодан нима тиласам, жамики яхшиликларни тилаган бўламан?

Устоз:

— Уч нарса: соғлиқ, бойлиқ ва тинчлик.

Шогирд:

— Кимга хизмат буюрса бўлади?

Устоз:

— Муносиб кишига.

Шогирд:

— Кимдан эҳтиёт бўлай?

Устоз:

— Ҳасадгўй дўстдан.

Шогирд:

— Нима кишини жаннатга поил қилади?

Устоз:

— Илм ўрганиш ва ёшлиқдан Ҳақ иши билан машғул бўлиш.

Шогирд:

— Одамлар наздыда мұътабар бўлган айб қайси?

Устоз:

— Ўз фазилатларидаи сўз очиш.

Шогирд:

— Нолойиқ дўст учраса, ундан қандай қилиб узилиш керак?

Устоз:

— Уч йўл билан кам кўришиш, ҳол сўрамаслик ва ундан бирор ҳожат тилямаслик.

Шогирд:

— Йилар ҳаракатга боғлиқми ёки тақдирга?

Устоз:

— Ҳаракат тақдирга сабаб бўлади.

Шогирд:

— Ёнларга нима ярашади-ю, кексаларга нима?

Устоз:

— Ёнларга ор ва мардлик, кексаларга ақл ва вазминлик.

Шогирд:

— Кимдан узоқ юрсам, најкот топаман?

Устоз:

— Давлатта эришган маккор хушомадгўй ва хасисдан.

Шогирд:

— Сахий ким?

Устоз:

— Саховат кўрсатиб, дили яйрайдитан киши.

Шогирд:

— Одам боласи ҳар қашча изласа-да, ҳеч ким охиригача топмаган нарса нима?

Устоз:

— Уч нарса соғлиқ, шодлик ва ҳақиқий дўст.

Шогирд:

— Яхшилик яхшими ёки ёмонликдан узоқ бўлиш?

Устоз:

– Ёмонликдан узоқ бўлиш барча яхшиликларнинг бошидир.

Шогирд:

– Маломат қилинадиган фазилат ҳам бўладими?

Устоз:

– Бўлади: агар саҳоват миннат билан қилинадиган бўлса.

Шогирд:

– Илмни нима зиёда қиласди?

Устоз:

– Тўғрилик.

Шогирд:

– Мардликнинг аломати нима?

Устоз:

– Қўлдан келса, афв этиш...

Шогирд:

– Оқил кишининг қайси иши кўпроқ таҳсинга лойиқ?

Устоз:

– Ёмонни ёмонликдан қайтарса.

Шогирд:

– Одамларнинг қайси иши заарлироқ?

Устоз:

– Одамларга ошкор бўлган айб.

Шогирд:

– Умрнинг энг зое ўтган дами қайси?

Устоз:

– Бирор киши учун яхшилик қилиш қўлдан келсаю, қилмаса.

Шогирд:

– Қайси амрларни хор қилмаслик керак?

Устоз:

– Улар учта: Ҳақ амри, оқиллар амри, отаю она амри.

Шогирд:

– Ҳаётда энг азиз нарса нима?

Устоз:

– Тинчлик ва хотиржамлик.

Шогирд:

– Ўлимдан ҳам баттар нарса нима?

Үстоз:

– Қашшоқлик.

Шогирд:

– Нима энг азиз?

Үстоз:

– Ҳақининг розилиги...

Шогирд:

– Дўстликка нима раҳиа солади?

Үстоз:

– Тўрт нарса: улуғлар – баҳиллик, донишмандлар – худбиилик, аёллар – уятсизлик ва мардлар – ёлғончилик қиласа.

Шогирд:

– Одамлар аҳволини нима хароб қиласди?

Үстоз:

– Золимларга мадҳу сано ўқиш.

Шогирд:

– Дунёни нима билан топса бўлади?

Үстоз:

– Илм-матърифатни ҳурмат қилиш ва қўллаб-қувватлаш билан.

Шогирд:

– Нима қиласам табибга ишим тушмайди?

Үстоз:

– Кам сийиш, кам ухлаш, кам гапириш.

Шогирд:

– Одамлар ичида доирориги ким?

Үстоз:

– Кам гапириб, кўп эшишган ва кўп билган киши.

Шогирд:

– Нима кишини хор қиласди?



Устоз:

— Дангасалик ва ахлоқсизлик.

Шогирд:

— Нима азоб келтиради?

Устоз:

— Ёлғизлик.

Шогирд:

— Нима кишини номусдан жудо қилади?

Устоз:

— Тама.

Шогирд:

— Дунёда нима яхшироқ?

Устоз:

— Миннатсиз хоксорлик ва тамасиз саховат.

Шогирд:

— Дунёда нима ёмонроқ?

Устоз:

— Шоҳларининг тезлигию бойларнинг баҳильтиги.

Шогирд:

— Тавозенинг асоси нима?

Устоз:

— Эл ичидаги обрў-эътиборга эга бўлиш ва бундан ўзига розилик ҳиссини туйиш.

Шогирд:

— Кимдан чора излай?

Устоз:

— Қўйидаги уч фазилат бўлган кишидан: поклик, яхшилар муҳаббати ва юксак маърифат.

Шогирд:

— Яхшилик нималарда кўринади?

Устоз:

— Самимий хоксорлик, beminnat саховат ва бетама хизматда.

Шогирд:

– Нимадан одамлар әхтиёжсиз әмаслар?

Үстөз:

– Уч нарасадаи: ақлли кишилар доңолар билан маслаҳатлашып, жаңг одамлари ҳийла ва айёрлик қўллаш, зоҳид ва тақводорлар ибодат қилишдан.

Шогирд:

– Одамлар нимани яхши кўрадилар?

Үстөз:

– Уч нарасани: ўзаро муомалада қўполлик қилмаслики, ёлғон ганирмаслики ва тили билан бирорни ранжитмаслики.

Шогирд:

– Агар илм ўргансам, нимага эришаман?

Үстөз:

– Агар кичик бўлсанг, улуг ва машҳур, агар қашшоқ бўлсанг, бой ва бадавлат ва агар машҳур бўлсанг, янада манихурроқ бўласан.

Шогирд:

– Бойликдан мақсад нима?

Үстөз:

– Одамлар ҳақини ўз бўйинингдан соқит қилиш, ота-она таъминотини таъминлаш... душманларни дўстга айлантириш, дўсту душман билан муросаю мадорада бўлиш.


Шогирд:


– Ейилмаса ҳам таига роҳат бағишлайдиган нарсалар қайси?

Үстөз:

– Яхшилар сұхбати, ёр дийдори, юмшоқ тўн, мўътадил ҳаммом ва хүшбўй ҳид.







## МЕХНАТНИНГ ТАРЫ - РОҲАТ

Қўлинг - меҳнатда, дилинг - Оллоҳда бўлсин.

Баҳоуддин Нақшбанд

\* \* \*

Меҳнатдан келса бойлик,  
Турмуш бўлар чиройлик.

\* \* \*

Меҳнатсиз буюклик йўқ

\* \* \*

Ялқов баҳт қушини тутишга ҳам эринади.

\* \* \*

Ҳаёт ташвишларини фақат меҳнат билан енгиз мумкин.

\* \* \*

Ватанин билим ва меҳнат обод қиласди.

\* \* \*

Меҳнатнинг зийнати қўп, текинининг - миннати.

\* \* \*

Баҳорда эккан – кузда ўради.

\* \* \*

Ижодкорлик меҳнатдан туғилади.

\* \* \*

Иисониятни вояга етказган – меҳнатдир.

\* \* \*

Олтин – ўтда, одам – меҳнатда билинади.

\* \* \*

Бугунги меҳнат – эртанинг осойишталиги.

\* \* \*

Меҳнат – камолотнинг гарови.

\* \* \*

Кумушдек тер тўксанг,  
Гавҳардек дур оларсан.

\* \* \*

Меҳнат билан ер кўкарап,  
Дуо билан – эл.

\* \* \*

Меҳнат ва ўқиши – оға-ини.

\* \* \*

Меҳнат қилдинг, хўп қилдинг,  
Миннат қилдинг, йўқ қилдинг.

\* \* \*

Обрў топаман десанг, камтар бўл,  
Қаримай десанг меҳнат қил.



Обрўнинг онаси – меҳнат,  
Отаси – саъй-ҳаракат.



Хурмат қилсанг, хурмат кўрасан,  
Меҳнат қилсанг, даврон сурасан.



Бахт – ялқовга бегона.



Бемеҳнат ҳикмат йўқ.



Беташвиш бош қайда,  
Меҳнатсиз ош қайда?



Бирни бирор беради,  
Кўпни – меҳнат.



Бирорнинг бергани – кўргулик,  
Меҳнатнинг бергани – тўйгулик.



Гап билан шошма, иш билан шош.



Даңгасага булут сояси ҳам юк.



Иш билан қишининг мушкули битар.

\* \* \*

Ишга – иўноқ, ошга – ўртоқ.

\* \* \*

Йигитнинг бахтини меҳнат очар.

\* \* \*

Меҳнат – эътибор гарови.

\* \* \*

Меҳнат қиласаңг, кўксинг тоғ,  
Хурмат қиласаңг, дилинг боғ.

\* \* \*

Меҳнатнинг нони ширин,  
Ялқовнинг жони ширин.

\* \* \*

Одамишиг ҳусени – меҳнатда.

\* \* \*

Қуаш қаноти билан тирик,  
Одам – меҳнати билан.

\* \* \*

Айб йилда эмас, меҳнатда.

\* \* \*

Аҳмоқнинг кулгуси кўп,  
Дангасанинг – уйқуси.

\* \* \*

Дангасага иш буюрсанг,  
Отаигдан ортиқ пасиҳат қилар.

\*\*\*

Ер қазимасанг, олтии чиқмас,  
Қармоқ солмасаңг – балиқ.

\*\*\*

Иш биттач, ҳайбаракаллачи күнайр.

\*\*\*

Ишёқмас ўроқчи ўроқ танлар.

\*\*\*

Иши борга – бир кун ҳайит,  
Иши йўққа – ҳар кун ҳайит.

\*\*\*

Ишлаган хор бўлмас.

\*\*\*

Иши йўқ чивин тутар.

\*\*\*

Ишёқмасга иш буюрсанг, сенга ақл ўргатар.

\*\*\*

Ишлаганинг менга, ўрганганинг ўзингта.

\*\*\*

Ўз меҳнатидан нон еган қиши,  
Хотам миннатидан озод ёз-қиши.

Саъдий Шерозий

\*\*\*

Ҳалол меҳнат билан тоцилган ва хайрли ишларга  
сарфланган бойликдаи кўра яхшироқ бойлик йўқ.

“Оталар сўзи”

\* \* \*

Хеч нарса йүүкки, унга меңнатсиз эришиб бўлмаса.  
Жордано Бруно

\* \* \*

Болалар меңнатни қувончга айлантиради, лекин муваффақиятсизлик ёки омадсизлик улар учун қайғулидир.  
Френсис Бекон

\* \* \*

Ишни ўйлаб кўргунича иккилан, ўйлаб кўргач, дадил бўл.  
Лев Толстой

\* \* \*

Ўқинг, ўрганинг, турмуши билинг, меңнат нашъасини,  
завқини туйинг ва қадрига ётинг.  
Ойбек

\* \* \*

Ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати ўз ишини қандай бажараётгани билан ўлчаниди. Инсоннинг тилак ва хоҳишлари  
меңнат туфайлигина амалга оширилиши мумкин.

Абу Райдон Беруний

\* \* \*

Ота ёки бобонганинг наслу насиби билан эмас, балки ўз  
меңнатинг ва ҳунаринг билан керил.  
«Оталар сўзи»

\* \* \*

Ҳар кимки меңнат қиласа, охири пушаймон бўлмайди.  
“Махзан ул-улум”дан

\* \* \*

Инсон учун фақат биргина баҳтсизлик мавжуд. У ҳам  
бўлса, ҳаётга ҳеч бир фойдаси тегмайдиган ёки меңнатдан  
чалғитадиган тоя билан банд бўлиш.

Йоханн Вольфганг Гёте

Халол касбдан чар  
Хлабан одам гуноҳлари кечирилган  
хўлда тунаиди.

Ҳадис

Халол касб қилиш торни кўчиришдан оғирдир.

Абдуллоҳ ибн Аббос

Зўр қувончга фақат катта меҳнат билан эришиш мумкин.  
Йохани Вольфганг Гёте

Изчил меҳнат ҳамма тўсиқларни енгади.

Михаил Ломоносов

Меҳнат оғриқни ўтмаслаштиради. Тежамкорлик –  
фаровоиликнинг муҳим манбаи.

Цицерон

Ҳаётда энг асосийси – меҳнатдир. Ҳамма касофатлар,  
ҳамма қийинчиликлардан фақат бир йўл – меҳнат  
 билан қутулиш мумкин.

Эрнест Хемингуэй

Меҳнат билан қўлга киритилган оромдан лаззатлиси йўқ.  
Бегам бўлманг, гафлатда қолманг! Навқирон, кучлисиз,  
тетик куч-қувватингизни яхши ишларга сарфланг.

Антон Чехов



\* \* \*

Бекорчи ҳаётга одатланиш инсон учун энг оғир  
кулфатдир.

Лев Толстой

\* \* \*

Инсон илми, одоби ва тавозеси билан ёқимли, меҳнати  
билиш шарафли.

Ҳикмат

\* \* \*

Инсон ташвишлар йўқ жойга боришни истаса, марҳамат  
қилиб ер куррасини бўшатиб қўйсин.

Бернард Шоу

\* \* \*

Яхшилик йўлида чекилган меҳнат ерда қолмайди.

«Оталар сўзи»

\* \* \*

Икки нарса дунёда энг азиздир. Бири – меҳнат билан  
тошилган бойлик. Иккинчиси – дилда дўстлик  
барқарор бўлган садоқатли дўст.

Муъиниддин Жувайний

\* \* \*

Вазифаси юксак одамининг заҳмати ҳам кўп бўлади.  
Заҳмат чекмаган хушбахт бўлмайди.

«Оталар сўзи»

\* \* \*

Бўлса таибаллик пешаси,  
Теккай оёғина хорлик тешаси!

Фариғиддин Аттор



\* \* \*

Ҳаётда мұваффақиятта әришиш учун уч нараса керак:  
дикқат, интизом ва ҳаракат.

Жалолиддин Румий

\* \* \*

Дангасалик ҳар вақт инсонни хор қылур.

Абдулло Аблоний

\* \* \*

Роҳат мұяссар ўлмас то чекмасаң маشاққат.

Оразий

\* \* \*

Бахт ҳавода әсмайди, меҳнатдан келади.

Абу Абдуллоҳ Рудакий

\* \* \*

Олтин ўтда билинади,  
Одам – меҳнатда.

\* \* \*

Билмас кишига иш йўқ,  
Ишсиз кишига ош йўқ.

\* \* \*

Билган билганини ишлайди,  
Билмаган бармоини тишлайди.

\* \* \*

Тек турғунча текин ишла.

\* \* \*

Бекор турғунча бекор ишла.

\* \* \*

Хар бир ишиниг чамаси бор,  
Хар дарёниг кемаси бор.

\* \* \*

Каловини топса, қор ёнар.

\* \* \*

Бугунги ишии эртага қўйма.

\* \* \*

Эртага ош қолса – давлат, иш қолса – меҳнат.

\* \* \*

Гўзаллик меҳнатдан топилар.

\* \* \*

Дарё сувини баҳор тошириар, одам қадрини  
меҳнат ошириар.

\* \* \*

Илмни меҳнатсиз эгаллаб бўлмас.


\* \* \*

Меҳнатсиз тошилган ошдан, меҳнатда топилган тош яхши.

\* \* \*

Ҳаракат – ҳаракатда баракат.







## САХИЙЛИК ШАРАФ КЕЛТИРАДИ

Халқнинг етуги сахий кишидир, сахийлик  
шараф келтиради.

Аҳмад Юғнакий

\* \* \*

Доимо мардлик билан мардана бўл,  
Ким сахийдир, қўллар они барча қўл.  
Фариғиддин Аттор

\* \* \*

Ақл ила олам юзин обод қил,  
Хулқ ила олам юзин шод қил.

Алишер Навоий

\* \* \*

Яхшиликларнинг энг фойдалиси садақадир.  
Абу Али ибн Сино

Ҳар қандай истакка қатъий ғайрат ва олийҳимматлик  
билин эришилади.

\* \* \*

Бўл сахий сен, эй биродар, бўл сахий,  
Бўлмағай ҳар хил бало бошга дағи!

*Абу Мансур Мотуридий*

\* \* \*

Бахил бўлма, эй саҳоватли киши,  
Саҳоватли деган мангу қолади, ўлмайди.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

\* \* \*

Ҳакимлар айтмисилар, яхшиликни асоси уч нарсада:  
бираинчи, барчага иисбатан риёсиз камтарликда,  
иккинчи, миннатсиз саҳоватда, учинчи,  
ҳақ талаб қилинмайдиган хизматда.

*Абдулбаракот Қодирий*

\* \* \*

Ҳакимларниң айтишича, хушмуомаликнинг ўнта  
белгиси бор: иисоф, ақл, илм, ҳилм, олийжаноблик,  
кўркам феъл, яхшилик, сабр, шукр, мулойимлик.  
*«Фавоқиҳ ул-жуласо»дан*

\* \* \*

Яхшиларни тақдирлаш орқали, биз эси йўқ  
одамларни жазолаймиз.

*Дени Дидро*

\* \* \*

Қалбларни қурол билан эмас, меҳру муҳаббат ва  
олийжаноблик воситасида забт этиш мумкин.

*Барух Спиноза*

\*\*\*

Яхшилик ва ёмонликни ҳар ким қилиши мумкин,  
бало ва бахтни ўзинг топгайсан.

Хитой халқ мақоли

\*\*\*

Ҳар қанча яхшилик кўрсатилса ҳам, душман қўлидан  
душманликдан бўлак иш келмайди.

Абдураззоқ Самарқандий

\*\*\*

Олийжаноблик кишида шундай бир ажойиб фазилат ва  
шон-шарафни оширадиган хислатки, ҳатто бунга эришган  
одам ундан ҳам юқори даражалардаги шон-шуҳрат мақомига  
эришишга интилади. Бундай интилиш ундейларда  
чекланмаган бўлади.

Абу Али ибн Сино

\*\*\*

Агар инсон бошқа инсонга яхшилик қиласа, унинг қалби  
хурсандчиликка тўлишига мен аминман.

Томас Жефферсон

\*\*\*

Саломат чоғингда эзгулик қидир,  
Мол-дунёнг борида эҳсон қил, едир.

Юсуф Хос Ҳожиб

\*\*\*

Кимнинг халқка фойдаси тегиб, шу фойдаси туфайли  
ҳаловат топса, ўша одам эзгудир.

Юсуф Хос Ҳожиб



\* \* \*

Яхшилик ҳаммага бевосита севимли. Агар шундай бўлмаганида эди, ҳар ким ўз истаган ёки орзу қилган ва ёки ўзича яхшилик деб тасаввур қилган бирор нарсасини ўз олдига мақсад қилиб қўймаган бўларди.

*Абу Али иби Сино*

\* \* \*

Бу гулишан ичра йўқдур бақо гулига сабот,  
Лжаб саодат эрур қолса яхшилик била от.

*Алишер Навоий*

\* \* \*

Яхши киши қўлидан ёмонлик келмайди, ёмон киши эса яхшилик қайтариш учун жавоб топа олмайди.

*Аҳмад Юғнакий*

\* \* \*

Хўб эл била суҳбат тутубон хўб ўлфил,  
Яхшини талаб қилфилу матлуб ўлфил.

*Алишер Навоий*

\* \* \*

Имкони бор ҳар бир яхшилик – сўз орқалидир.

*Алишер Навоий*

\* \* \*

Яхшидин ёмонлар ҳам ёмонлик кўз тутмас,  
Яхши ёмонларға ҳам яхшилиқни унутмас.

*Алишер Навоий*

\* \* \*

Агар яхшилик уни амалга оширувчи учун қандайдир мақсадни кўзлаб қилинаётган бўлса ёки мажбурий равишда қилинаётган бўлса, у ҳолда яхшилик бўлмай

қолади, чунки коми, яхшилик доимо мажбуриятсиз,  
бирор нарсанинг эвазига қилинмаган яхшиликдир,  
буидан чиқди у чинакам яхшилик саналади.

Абу Али ибн Сино

\* \* \*

Яхши била туриб ёмонлар ичига кирса, уларга аралашса,  
ёмонларнинг яхши бўлишларига йўл очади.

Юсуф Хос Ҳожиб

\* \* \*

Ёмон била яхши орасида фарқдур,  
Икки кеманинг учин туттган фарқдур.

Алишер Навоий

\* \* \*

Яхшилиққа ўрганган бир банда осонлиқ билан  
ўз яхшилигини қўймайдир.

Абдулла Қодирий

\* \* \*

Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ –  
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ!

Задириддин Муҳаммад Бобур

\* \* \*

Ки ҳар ким аён этса яхши қилиқ,  
Етар яхшилиқдин анга яхшилиқ.

Алишер Навоий

\* \* \*

Тирик одам боласи фойда келтирадиган бўлиши керак,  
фойдасиз киши туғилса, унинг яшаганидан кўра  
ўлгани яхшироқ.

Юсуф Хос Ҳожиб

\* \* \*

Ким олимнииг олдига келиб, у билан бирга ўтирса,  
унинг илмини эгаллашга қодир бўлмаса ҳам, унга  
етти яхшилик бордир.

*Абу Лайс Самарқандий*

\* \* \*

Сени ким ёмонласа, сен уни мақтагин, ўшанда  
у ярамас, тубан, сен яхши одамлар қаторида бўласан.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

\* \* \*

Сенга эзгулик кўрсатган кимсага эзгулик қилгин.

*Маҳмуд Замахшарий*

\* \* \*

Яхши феъл билан одамлар кўнглини олиб, ўзингни  
ёмон қилиқлардан сақлаб яша.

*Аҳмад Юғнакий*

\* \* \*

Одамийга ёмон айб шуки, ўзига зиён етказадиган  
нарсага эришганига шод бўлгай.

*Ҳаким Термизий*

\* \* \*

Эй, хушхулқли, ҳеч ёмонлик қилма, амалда ва  
сўзда фақат яхшилик қил.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

\* \* \*

Ҳожат чиқаришни буюк амал, деб бил.

*Имом Мотуридий*

\* \* \*

Халқни бошқариш шарафига эришсанг, амалда ва  
сўзда фақат эзгулик қилгин.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Сенга иши түштән одамни ранжитма.

Имом Мотуридий

\* \* \*

Яхшилик қила олмасаң, борий ёмонлик ҳам қилма. Яхшиликни ёмонлиғдин яхшироқ билмасаң, борий ёмонроқ ҳам бўлма. Яхшиликни билмасаң, яхшиларга қўшул, яхшилик теграсида эврула олмасаң, яхшилар тегрисида эврул.

Алишер Навоий

\* \* \*

Яхшиларга – яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга муруват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим.

Амир Темур

\* \* \*

Яхшилик қилсанг, бўлур жонинг омон,  
Яхшиликдан ҳеч киши қилмас зиён,  
Яхши сўз бирлан илон индан чиқар,  
Сўз ямон бўлса, пичоқ қиндан чиқар.

Абдулла Авлоний

\* \* \*

Киши агар киши бўлса ўзин киши демагай,  
Қилурда ҳеч ишни ҳам киши иши демагай.

Алишер Навоий

\* \* \*

Яхшилик томонда бўлгин. У жуда серҳосил водийдир.

Махмуд Замахшарий



\* \* \*

Яхшиликни жондан азиз бил.

*Абу Мансур Мотуридий*

\* \* \*

Дунёда яхшиликтан кўра, оғир юқ йўқ. Чунки сенга яхшилик қилгани сени ўзига боғлаб қўйган бўлади, ёмонлик қилса, сени ўз ҳолингга эркин қўйган бўлади.

*Ҳаким ат-Термизий*

\* \* \*

Ҳаё кишиларни ёмон йўлдан қайтарувчи ва яхшилик сари ундовчидир. Кимниг ҳаёси бўлмаса, унинг уяти бўлмайди. Барча қабиҳ ишларни қилишдан ҳам қайтмайди. Кишида ҳаё бўлса, нафс унинг устидан ҳоким бўлолмайди ва ўз йўлига сололмайди.

*Мұхаммад Жавҳар Заминдор*

\* \* \*

Яхши маибадан фақатгина яхшилик келади.

*Махмуд Замахшарий*

\* \* \*

Яхши бўлсанг муродингга етарсан,  
Неча маизил, хавфли жойдан ўтарсан,  
Ёмон бўлсанг, оҳу фифон этарсан,  
Ёмонни учратсанг даф қил халқ учун.

*Бердақ*

\* \* \*

Кулиб боққан кишиларга сочмагин кул,  
Яхшиликка улар учун табассум қил.

*Махмуд Кошгарий*

Севимли нарсаларга машаққат билан ва яхшиликка  
эса ўзига севимли бўлган нарсаларни (бировга) сарф  
қилиш билан эришилади.

*Абу Райҳон Беруний*

\* \* \*

Хурмат қилсанг, хурмат кўрасан.

\* \* \*

Одам борки, одамларнинг нақшидир,  
Одам борки, ҳайвон ундан яхшидир.

\* \* \*

Яхши топиб сўзлар,  
Ёмон қопиб сўзлар.

\* \* \*

Оқ кўнгилликнинг юзи кўркам.

\* \* \*

Яхшининг боши оғримас, оғрисаям ҳоримас.

\* \* \*

Навосиз улуснинг навобахши бўл,  
Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл.

*Алишер Навоий*

\* \* \*

Яхшини кўриб фикр қил,  
Ёмонни кўриб шукр қил.

\* \* \*

Қўли очиқнинг йўли очиқ.

\* \* \*

Ўзингга яхшилик тиласаңг,  
Ўзгага ёмошлик қилма.

\* \* \*

Яхши одам ош ер,  
Ёмон одам бош ер.

\* \* \*

Яхшидан от қолади,  
Ёмоидан – дод.

\* \* \*

Яхшига ёндаш,  
Ёмоидан қоч.

\* \* \*

Яхшининг шарофати тегар,  
Ёмоининг касофати.

\* \* \*

Яхшининг қурбони бўл.

\* \* \*

Яхши одамининг яхшилиги тегар тор ерда,  
Ёмон одамининг зарари тегар ҳар ерда.

\* \* \*

Ёмон билан юрдим, қолдим уятга,  
Яхши билан юрдим, етдим муродга.

\* \* \*

Яхши отга бир қамчи,  
Ёмон отга минг қамчи.

\* \* \*

Яхши инсон ҳеч қачон яхшиликни унутмайди,

\* \* \*

Инсонларни озодлигидан айирмаган яхшилик  
хақиқий яхшиликдир.

\* \* \*

Инсоннинг яхши ёки ёмон бўлиши, ундаги яхши-ёмон  
фикрларнинг қайси бири устунлигига боғлиқ.

\* \* \*

Яхшилик инсонни омонликка олиб келади.

\* \* \*

Энг катта ёрдам инсонни ҳаётга ҳозирлаш, унинг  
эркинлигини тўла ўзида қолдиришдир.

\* \* \*

Яхшиликни яхши кишиларга қил.

\* \* \*

Яхшиликни биладиган кишиларга яхшилик қилсанг,  
сен энг баҳтли одамсан.

\* \* \*

Яхшилик чиrimайди ва ёмонлик унутилмайди.

\* \* \*

Яхшилик қилган яхшилик кўради, ёмонлик қилган  
жазосини топади.

\* \* \*

Яхши феъл аёл қулни вазир қиласди,  
Ёмон феъллиги вазирни қул қиласди.

\* \* \*

Яхшидан боғ қолар, ёмондан дор қолар.



\* \* \*

Яхшиликдан кўра ёмонликинг оёғи илдам.

\* \* \*

Яхшилик қила олмасанг, ёмонлик ҳам қилма.

\* \* \*

Яхши одам ой бўлар, ҳар ерга борса жой бўлар.

\* \* \*

Яхши ва ёмон хулқининг ҳаммаси шароит, тарбия,  
одатланини натижасида вужудга келади. Яхши хулққа  
ҳам одат туфайли эришилади.

Абу Али ибн Сино

\* \* \*

Дарёга яхшилик қилсанг, ажрини биёбондан топасан.

\* \* \*

Яхшиининг гапи – мой, ёмоннинг гапи – лой.

\* \* \*

Ўзинг яхши – олам яхши.

\* \* \*

Яхшилик – юзда, ёмонлик кўзда.

\* \* \*

Яхшилик икки жаҳонни орттирадар.

\* \* \*

Яхшидан – назар, ёмондан – ҳазар.

\* \* \*

Яхшида гина бўлмас,  
Ёмондан гина кетмас.

\*\*\*

Яхши ўзини ёмонинг ёнида ташитар.

\*\*\*

Яхши эл ғамида,  
Ёмон ўз ғамида.

\*\*\*

Яхши хунук либос билан ҳам яхши.

\*\*\*

Яхши жонингта ўртоқ,  
Ёмон – ионингта.

\*\*\*

Хайрли ишнинг хайрикоҳи кўп.

\*\*\*

Яхшиликни ўйла – унга эришасан.

\*\*\*

Яхшилик – узрлик билан комил бўлади.

\*\*\*

Яхшидур аччиқ ҳақиқат, лек ширин ёлғон ёмон,  
Шу ширин ёлғонга лекин алданиб қолғон ёмон.

Эркин Водидов

\*\*\*

Дунёда топайин десанг омонлик,  
Бирорга заррача қилма ёмонлик!

Муҳаммад Жабулрудий

\*\*\*

Яхши одамлар ишидан ибрат ол,  
Ибраторумуз хизмат айлаб, иззат ол.

Анбар Отин

\* \* \*

Ёмон, ёмонликни ҳар кун таҳқирла,  
Яхши, яхшиликни ҳар кун тақдирла.

Юсуф Ҳос Ҳожиб

\* \* \*

Ўзинг яхши – ўзга яхши.

\* \* \*

Яхшиликни одамлар билмаса ҳам уни  
ўзларида сақлади.

Конфуций

\* \* \*

Яхшилар келишишга интилади, ёмонлар эса  
уидириб қолишга интилади.

Лао Цзи

\* \* \*



Яхшилик йўлда ётмайди, уни тасодифан топмайсан.

Яхшиликни одамлар одамлардан ўрганади.

Чингиз Айтматов









## ҚИШИНДІР БЕЗАРЫ – ОДОБҮДІР

Одоб шундай тожки – поку бегубор,  
Бошингга қүйгину қайта борсанг бор.

Бархурдор ибн Махмуд

\* \* \*

Ота-она беҳад бўлади хурсанд,  
Фарзанд бўлолса муносиб фарзанд!

Муҳаммад Жавҳар Заминдор

\* \* \*

Тўрт нарса тўрт нарсага, яъни улуклик – одоб, тарбияга,  
хурсандлик – хотиржамлика, яқинлик – дўстликка,  
акл – тажрибага муҳтождир.

Жолинус

\* \* \*

Киши чиройига ички дунёси эшdir,  
Юз кўрки билан унинг феъл-автори тенгdir.

Юсуф Хос Ҳожиб

\* \* \*

Одамийлик аломати тўрт сифатдир: яхши сўз,  
яхши иш, яхши хулқ ва маърифат.

*Шайх Азизиддин Насафий*

\* \* \*

Эй биродар, мунофиққа бўлма улфат,  
Ким улфатдур, боши узра юз минг кулфат.

*Аҳмад Яссавий*

\* \* \*

Киши икки нарса туфайли қаримайди,  
Бири – эзгу хулқи, бири – эзгу сўзи.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

\* \* \*

Сени кўрган киши гўзал хулқингдан ўрнак олсин.

\* \* \*

Адаб кичик ёшдагиларни улуғлар дуосига сазовор этади  
ва улар бу баракотдан умрбод баҳраманд бўлади.

*Алишер Навоий*

\* \* \*

Кишининг одоби унинг бойлигидан яхшидир.

*Хитой ҳалқ мақоли*

\* \* \*

Фазилат наслу насаб билан эмас, балки одоб  
билан топилади.

*Муҳаммад Зеҳний*

Бўлиш – гуллар ҳидини  
тинг мамолидан ҳам ширин.

*“Оталар сўзи”*



\* \* \*

Хулқ түрі бүлгән киши түрга чиқади.

Юсуф Хос Ҳожиб

\* \* \*

Кимки шарму ҳаёни ўзита касб этибди,  
Билки, ул ахлоқ бобида камолга етибди.

Алишер Навоий

Илм бир дараҳт бўлса, одоб унинг мевасидир.

Одобсиз олим мевасиз дараҳтдир.

Муҳаммад Зедний

\* \* \*

Илм ва одоб тубсиз хазина. Кимки унга эга бўлса,  
қадру қиммати баланд бўлади.

«Оталар сўзи»

\* \* \*

Шундай кишилар борки, улар одоб-ахлоққа худди айрим  
архитекторлар ўзлари ярататган уйларга қандай  
муносабатда бўладиган бўлса, шундай муносабатда  
бўлиб, биринчи ўринга қулайликни қўяди.

Люк де Клилье Вовенар

\* \* \*

Донишманд ва олимларнинг хулқларидан ўриак олиш  
яхши хулқни тирилтиради, ёмонни йўқ қиласди.

Абу Райдон Беруний

\* \* \*

Кишида одоб бўлса, илм ҳам бўлиши лозим. Одоб ақлга  
боғлиқ нарса. Ақл устига одоб ҳам қўшилса нур устига  
нур бўлади. Улуғлик ақлу одоб билан вужудга келади.

“Фавоқиҳ ул-жуласо”дан



\* \* \*

Одамлар, энг аввало эзгу ахлоққа эга бўлишга ҳаракат  
қилинг, чунки ахлоқ қонуининг асосидир.

Пифагор

\* \* \*

Билим, маърифат албатта яхши ахлоқ билан  
безатилмоғи лозим.

Абу Наср Форобий

\* \* \*

Одобсизлик ота-она уйини хароб қиласди.

«Оталар сўзи»

\* \* \*

Ўз фарзаидигни яхши хулқ-одобли ва ақлли бўлишга  
ўргат. Кимки ёшлиқдан яхши хулқ-одоб эгалламас экан,  
улғайгандан уидан билим талаб қилма.

Мажидиддин Ҳавоғий

\* \* \*

Болалар ўз оталаридан мерос қилиб оладиган уч  
афзал нарса бор: хушмуомалик, одоб ва садоқат.

Муҳаммад Зеҳний

\* \* \*

Иисон гўзаллигининг асоси унинг чиройли хулқидир.

Хуррамий

Ҳакимлардан ба  
ёмонсан деса

дэйди: «Кўпчилик сенга,  
сан, агар яхшисан деса,  
шисан».

Муҳаммад Зеҳний



\*\*\*

Бордир инсон зотида онча шараф,  
Ким ёмон ахлоқин этса бартараф.

Алишер Навоий

\*\*\*

Ким фанда илгарилааб, ахлоқда оқсаса, у олдинга эмас,  
күпроқ орқага кетади.

Арасту

\*\*\*

Ахлоқийлик феъл-атворда бўлиши лозим

Иммануил Кант

\*\*\*

Донишманд ва олимларнинг хулқларидан ўриак олиш  
яхши хулқни тирилтиради, ёмонни йўқ қиласди.

Абу Райдон Беруний

\*\*\*

Хулқнинг мувозанатда бўлиши бадан  
саломатлигини сақладайди.

Абу Али ибн Сино

\*\*\*

Кишидаги энг яхши хулқ-атвор одамларнинг  
мотам (яъни қайғу) ва ҳасратига шерик бўлишдир.

Абу Али ибн Сино

\*\*\*

Ёмонлик бутун нуқсонлар мужассамидир.

Ҳусайн Вонз Кошифий

\*\*\*

Яхши феъл билан одамлар қўнглини олиб,  
ўзингни ёмон қилиқлардан сақлаб яша.

Аҳмад Юғнакий

\* \* \*

Одобниинг боши – тил.

*Маҳмуд Кошгари*

\* \* \*

Одамлар олдида уялиш яхши фазилат, аммо бундан  
ҳам яхшироғи ўзингдан ўзинг уялишингдир.

*Лев Толстой*

\* \* \*

Одабсиз юз киши билан ҳам ёлғиз.

*Шоҳид Балхий*

\* \* \*

Фазилат наслу наасаб билан эмас, балки одоб  
билин топилади.

*Муҳаммад Зеҳний*

\* \* \*

Қизининг оиласда олган тарбияси кейинги ҳаётининг  
асосини белгилайди.

\* \* \*

Ота-онаси ўлган одамни эмас, одоб-ахлоқи  
бўлмаганини етим де.

\* \* \*

Одоб талабида бўлиш – дунё талаб этишдан авлодир.

\* \* \*

Одамларга иисон табиатидаги тажриба ва  
иисоний ахлоқ жуда зарурдир.

*Клод Андриан Гельвеций*



\* \* \*

Элга шарасы келгиде жоху наасаб,  
Лек шарасы келди хана-у адаб.

Алишер Навоий

\* \* \*

Яхши тарбия нодонни ҳам одам қаторига қўшади.

Биссарион Белинский

\* \* \*

Инсон – одоби билан,  
Осмон – офтоби билан.

\* \* \*

Бола – азиз, одоби – ундан азиз.

\* \* \*

Одоб бозорда сотилмас.

\* \* \*

Одоб – инсон зийнати.

\* \* \*

Сўз кишининг ўзаги,  
Одоб кишининг безаги.

\* \* \*

Одабли бола элга манзур.

\* \* \*

Илмнинг каттаси – одоб.

\* \* \*

Одоб – олтиндан қиммат,

\* \* \*

Ақл билан одоб – эгизак.



\* \* \*

Ақл – ёшдан,  
Одоб – бошдан.

\* \* \*

Одоб бор ерда – тинчлик, шодлик ва мукаммаллик бор.

\* \* \*

Одабли – ҳамманинг меҳрини қозонувчиидир.

\* \* \*

Одаблининг орқасидан раҳматлар эргашиб юради.

\* \* \*

Одоб – муҳитнинг файзиидир.

\* \* \*

Дўстлик уйини одоб ёритади.

\* \* \*

Одабли – зебу зийнатсиз ҳам гўзал.

\* \* \*

Одабиниг мезони тилда.

\* \* \*

Ахлоқ ойнадир, шунга кўра ҳар бир киши ўз  
одобида акс этади.

\* \* \*

Нинг кучи ахлоқни белгилайди.

\* \* \*

Одабиниг нима эканини одобсизни кўргандага биласан.



\*\*\*  
Киши учун тож ва шекалар зийнат бүлдөмайди, балки  
үнгө зийнат - ўзида бүлгән адаб ва ҳәёдир.

Алишер Навоий

\*\*\*  
Одамнинг мартабали бўлиши унинг ҳәёли ва  
адабли бўлишидадир.

Алишер Навоий

\*\*\*  
Хулқнинг мувозанатда бўлиши бадан  
саломатлигини сақлайди.

Абу Али ибн Сино

\*\*\*  
Айбингни кўрсатувчи кишига дам урма,  
чунки у ойнадир. Ойна дам уриш билан хиралангач,  
бошқа айбингни кўрсата олмайдиган бўлиб қолади.

Алишер Навоий

\*\*\*  
Хулқларнинг барчаси ўз табиати билан тўзал бўлади,  
ёмон хулқ-авторларга эса кейин эришилган бўлади.

Абу Али ибн Сино

\*\*\*  
Хар қанча зебо суратларда ҳам яхши ахлоқ, ширин  
сўз бўлмаса, халқ уларни истамайди.

Алишер Навоий

\* \* \*

Кишидаги энг яхши хулқ-атвор – одамларниң  
қайғы ҳасратига шерик бўлишидир.

*Абу Али ибн Сино*

\* \* \*

Топтишг чу иёл яхшилик еткургил,  
Ўргат адабу яхши қилиқ ўргатгили.  
Ушоқ қанд оқ тузга монанд эрур,  
Ва лекин бири туз, бири қанд эрур.


*Алишер Навоий*


\* \* \*

Жамиятдан ташқари одам ахлоқдан  
узоқроқ бўлади.

*Вольтер*










## БИЛДАМ БАХТ КЕЛТИРДАР



Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай.

Имом ат-Бухорий

\* \* \*

Илм ибодатдан афзал.

Хадис

\* \* \*

Ҳақиқатни очинг, тўғри ўйлдан юринг.

Бир-бирингиздан илм ўрганиб, камол топишингиз

учун дил пардасини очиб ташланг.

Абу Али ибн Сино

\* \* \*

Илм аҳлини вақти-вақти билан зиёрат қилиб, ҳолидан хабар олиш савобдир. Бу юмуни ҳар қандай султону хониларга ҳам қарз, ҳам фарз бўлмоғи даркор.

Мирзо Улугбек



\* \* \*

Оқил ва доиолар билан суҳбатдош бўлинг. Илмингиз ҳар  
қанча кўп бўлса ҳам, ўзингизни илмсиз ҳисоблаб,  
яна илм ўрганишга киришинг.

*Абу Язид Бастомий*

\* \* \*

Фарзаиди жаҳл зимишонидан рўшиюлик томон етакла,  
илм – инсон фахри, жоҳиллик эса – фафлатдир.

*Муҳаммад Жомий*

\* \* \*

Кўнгилларнинг суури илмдандир,  
Кўрар кўзларнинг нури илмдандир.

*Фурқат*

\* \* \*

Илм бир хазина, бу хазина қалити завод.

*Шавқий Самарқандий*

\* \* \*

Заковат қаерда бўлса, улуғлик бўлади,  
Билим кимда бўлса, буюклик бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

\* \* \*

Емоиликининг шахобчалари кўп бўлса ҳам, уларнинг энг  
асоси – тама, ғазаб ва илмсизликдир.

*Абу Райҳон Беруний*

\* \* \*

Ўқиш – инсонни билимли, суҳбат – зукко,  
ёзиб бориши одати – аниқ бўлишга ундейди.

*Френсис Бекон*



Ҳар кимниң үйінде борға сұз, гиёх ва тиғ.

Абу Али ибн Сино

\*\*\*

Сұз – либос, маъно шу либос остидаги сир.

Жалолиддин Румий

\*\*\*

Билимлар мұллигига әмас, фикрлар мұллигига  
интилмоқ жоиз.

Демокрит

\*\*\*

Ақл – қалб посбонидир. Ақл яна уч қүриқчи: тил, күз,  
қулоқнинг устидан ҳам посбонлик қытывчиидир. Зоро,  
эзгулик ва ёвузлик айнан ана шу уч аъзо орқали  
қалбга кириб боради.

Абу Носир Форобий

\*\*\*

Илмга ихлос қўйсанг, иккиланма.

"Зуғ қиссалари"дан

\*\*\*

Чала билим эгаси бўлишдан кўра,  
билимсизлик афзалроқдир.

Абу Али ибн Сино

\*\*\*

Илм олмоқлик яхши руҳий сифат эгаларида эзгу  
фазилатларнинг янада равнақ топишига хизмат қиласди.

Жон Локк

\* \* \*

Үқи, илмли бўл, ёки илмга таяниб иш тутадиган бўл,  
лоақал илмни тинглаб эшигадиган бўл, аммо тўртинчиси  
бўлма, чунки касодга учраб ҳалок бўласан.

Абулқосим Замахшарий

\* \* \*

Истамай мутолаа қилаётган талаба – қаноатсиз қуш.

Саъдий Шерозий

\* \* \*

Оз-оз ўрганиб доно бўлур,  
Қатра-қатра йифилиб дарё бўлур.

Алишер Навоий

\* \* \*

Ҳақиқий илмда аниқ бўлганки, ҳар бир нарсани билиш  
ушинг сабабларини, агар шуидай сабаблари бўлса ва туб  
асосларини ўрганиш билан ҳосил бўлади. Агар сабаблари  
бўлмаса, ҳолатига қараб ва ўзига хос нарсаларни ўрганиш  
билан илм тугалланади.

Абу Али ибн Сино

\* \* \*

Ўзини гуноҳ ва бадхулқликдан сақлай олмаган  
кишига илм фойда бермайди.

Имом Шофеъий

Олмаганинг орнадиганлари – олим ва орланиб  
жонадиганлари – золим.

Алишер Навоий

Илм инсоннан таңбасырыдир.

Мирзо Бедил

\* \* \*

Илм ўрганиш нафл ибодатидан афзалрок.

Имом Шоғеъий

\* \* \*

Илм – нарсаларни инсон ақли ёрдами  
билин ўрганишликдир.

Абу Али ибн Сино

\* \* \*

Оlamда билимдан кучли нарса йүқдир. Билим ҳар  
қандай ҳузур-ҳаловатдан ҳам, бошқа нарсалардан  
ҳам таъсирчанроқдир.

Абдигутун

\* \* \*

Бир киши илм ўрганиб, сүнг уни бошқаларга  
ўргатиши ҳам амал ҳисобланади.

Ҳасан Баерий

\* \* \*

Билмаган нарсаларимни оёғим остига қўйтанимда  
бошим кўкка етарди.

Имоми Аъзам

\* \* \*

Инсоннинг кийимиға эмас, билимита қара.

Маҳмуд из-Замахшарий

Барча иш-таб

ақлнинг шарофати билан юзага чиқади.  
Жалолиддин Румий

\* \* \*

Донолик ўз камчиликларини билиб, қунт билан билим  
олишдир, ор қилиб сўрамаслик шармандалиkdir.

Лин Бу

\* \* \*

Илм ила кимнинг дили равшан эрур,  
У замин ичра саломат тан эрур.

Фариғиддин Аттор

\* \* \*

Камолотта эришиш учун, аввало қалб покизалиги ҳақида  
ўйлаш керак. Қалб покизалигига эса юрак ҳақиқатни  
излаганда ва Рух орифликка интилган тақдирдагина эри-  
шилади. Буларнинг барчаси ҳақиқий билимга боғлиқдир.

Конфуций

\* \* \*

Илмнинг чеки йўқ, қанча кўп ўқисант, билмаган  
нарсаларнинг шунчалик кўпаяверади.

“Фавоқих ул-жуласо”дан

\* \* \*

Билим, ўйлаб кўрилса, мисоли бир жилов. У барча ёмон,  
ярамае ишлардан тийиб туради. Билим эгаси ўз  
тилакларини тонади, орзу-мақсадларига эришади.

Юсуф Хос Ҳожиб

\* \* \*

Илм толиби учун ҳамма нарса, ҳатто денгиздаги  
балиқлар ҳам гуноҳини сўраб истиғфор айтади.

Ҳадис

Яна бир ҳинштің Құзрати Одам –  
Билим, ақлу әдәрек сабаб мұхтарам.

Юсуф Хос Ҳожиб

\* \* \*

Луқмони Ҳакимдан «Адабни кимдан ўргандынг?» деб сұра-  
дилар. Луқмони Ҳаким жавоб берdi: «Адабни беадабдан  
ўргандым, уларнинг ҳаракатларидаги мента маъқул бўл-  
маган нарсалардан ўзимни сақладим».

Ҳикмат

\* \* \*

Инсоннинг шарафи ақлдан маҳкам.  
Үндап обрў топар ҳар қандай одам!

Хожа Самиандар Термизий

\* \* \*

Ақл фақат инсонғатина хос бўлган түгма қувват –  
руҳий куч билан боғлиқдур.

Абу Наср Фороғий

\* \* \*

Илмга амал этиши ўзингга одат қыл; агар олим илмини  
амалийтга татбиқ этмаса, у руҳсиз бадаңга ўхшайди.

Имам Аъзам

\* \* \*

Кишининг тафаккури үзайса – билади,  
билса амал қиласди.

Вадж әбн Мунаббаҳ

\* \* \*

Донолар сўзига қулоқ илмасанг,  
Энг нодон сендиресан – билгил, билмасанг.  
Абулқосим Фирдавсий

\* \* \*

Ҳаммада ақлга мұхтождир, ақл әса амалиётта,  
ишиңде айтта әхтиёж сезади. Шунинг учун ҳам  
амалиётниң ақлшынг ойнаси, дейишади.

Ҳусайн Вөзі Кошифий

\* \* \*

Жаҳонда бор нарса – ақлга, ақл әса тажрибага  
мұхтождир.

Мұзиниддин Жувайний

\* \* \*

Бойликдан керилмоқ – ақлдан нари,  
Чуики у үткинчи булут сингари.

Абдураҳмон Жомий

\* \* \*

Луқмони ҳаким айтади:

– Кинининг ақли шараф ва улуғлик асосидир!  
Кимининг ақли күп бўлса, айблари яширин ва  
дўстлари ундан рози бўлади.

«Фавоқих ул-жуласо»дан

\* \* \*

Қанчадан-қанча одамлар ақл билан пастликдан юқорига  
кўтарилади, қанчадан-қанча қадрли одамлар нодонликка  
йўл қўйиб, тубанлик сари қулайди.

Байт:

Эй ўғил, бу сўзим синлаган бешак,  
Бошида ақли йўқ – мисоли эшак!

«Оталар сўзи»

\* \* \*

Лизим улуғликниң сабаби ақл ва одобдир. Кимки соғ  
ва комил фаросатга эга бўлса, тубанлик даражасидан  
улуглик мартабасига эришиши мумкин.

Гай

Кимда ўтки... жет бордир.  
Галаба байроини тикар осмонга.

\* \* \*

Азизим, узоқни кўрувчи ақлни ва оламии безатувчи  
тафаккурни ҳар қандай ишида ўзинг учун одил ҳоким  
ва комил синовчи қилиб олки, инсонийлик шарафининг  
жавҳари бошқа ҳайвоnlардан ақлнинг ўткирлиги  
билаи ажралиб туради.

Хожа Самандар Термизий

\* \* \*

Ақлли кишида учта хислат бўлади: бирор нарса сўраса,  
одоб билан жавоб беради, бирордан ёмонлик кўрса ҳам  
яхшилик қиласди, халқи учун фойдали фикрларни  
олга суради.

«Оталар сўзи»

\* \* \*

Бахт белгиси илм ва ақлдир.

Маҳмуд Кошгарий

\* \* \*

Фикр инсоннинг шарофатли, гайратли бўлишинга  
сабаб бўлади.

Абдулла Авлоний

\* \* \*

Ақлли бўлишнинг ўзи етарли эмас, энг асосийси –  
ақлни амалда қўллай билишдадир.

Рене Декарт



\* \* \*

Ақлли кишилар – бебаҳо қомус.  
Йоханн Вольфганг Гёте

\* \* \*

Сезги – тасаввурга, тасаввур – тафаккурга, тафаккур –  
ақл-идрокка, ақл-идрок – фикргазэврилади.

Жордано Бруно

\* \* \*

Чуқур фикрлар бамисоли мияга қоқилган ва ҳеч нарса  
сүғуриб олиши мумкин бўлмаган пўлат  
михларга ўхшайди.

Дени Дидро

\* \* \*

Ақл-идрокли бўлишининг уч йўли бор: мулоҳаза юритиш –  
энг мардоғавори; тақлид қилиш усули – энг осони;  
шахсий тажриба йўли – энг оғири.

Конфуций

\* \* \*

Тафаккурни нобуд этган одам уч карра қотилдир.  
Ромен Роллан

\* \* \*

Фикрдаги хатолар сўздаги хатоларни вужудга келтиради,  
сўздаги хатолар эса ишдаги хатоларни келтириб  
чиқаради.

Дмитрий Писарев

\* \* \*

Ақл ёшда эмас, бошда.

\* \* \*

Ақл – баҳт дарвозасининг қалити.

Ақл - уғриш, соғыс.

\* \* \*

Қалб хоҳишига ақл мураббий.

\* \* \*

Күл етмайдигаңға ҳам ақл етади.

\* \* \*

Йигитнинг зеҳиلى бўлгани –  
Адашмай йўлидан юргани.

\* \* \*

Олим бўлсанг, олам сеники.

\* \* \*

Олтин олма, билим ол,  
Билим олсанг, билиб ол.

\* \* \*

Илм истасанг, тақрор қил.

\* \* \*

Илм олишнинг эрта-кечи йўқ.

\* \* \*

Илми борни ёш дема,  
Илми йўқни бош дема.

\* \* \*

Илмини меҳнатсиз эгаллаб бўлмас.

\* \* \*

Энг хавфлиси – ҳамма нарасан биламан деб ўйлаш.

\* \* \*

Хуси тўйда керак, ақл кунда керак.

\* \* \*

Ақлли одам ақлсиз иш қилмайди.

\* \* \*

Ақлнинг кўз, қулоқ ва тил деган хизматкорлари бор.

\* \* \*

Ақлу заковатга еру осмон бўйсунгандир.

\* \* \*

Одаминг ақли ҳар қандай ёвузликни ҳам занжирбанд  
қила олади.

\* \* \*

Ақл қанича калта бўлса, даъво шунча катта бўлади.

\* \* \*

Ақл тақдирдаги нохушиликларга ҳам чап бера олади.

\* \* \*

Ақл – хазина, калити – тил.

\* \* \*

Одаминг тизгини – ақл.

\* \* \*

Инсон ақли – олмос.

\* \* \*

Идрок – ақл жилови.

• • •  
Нақл – ибрат ұчоги,  
Ақл – фикр ұчоги.

• • •  
Ақл үлчови – сұз,  
Сұз үлчови – нақл.

• • •  
Ой нури тунни ёритар,  
Одам ақли – ҳаётни.

• • •  
Ақлдан ортиқ бойлык йүк.

• • •  
Ақлли үзини айблар,  
Ақлсиз – дүстини.

• • •  
Ақлли дүст – роҳат,  
Ақлсиз дүст – оғат.

• • •  
Ақл – одамнинг күрки.

• • •  
Айтилған сұз – отиілған үқ.

• • •  
Ақл – Ҳасандир, одоб Ҳусандир.

Яхши билматаи нарсага уришган киши шарманда бўлади.



\* \* \*

Инсон ҳәётида зарурат, эҳтиёжлар уларда илмларга бўлған талабларни келтириб чиқаради. Бу эҳтиёжларга кўра илмлар ҳар хил тармоқларга бўлинади.

\* \* \*

Илмларниң фойдаси очкўзлик билан олтин-кумуш тўплашда бўлмай, у орқали инсон учун зарур нарсаларга эга бўлишдадир.

\* \* \*

Ҳар бир илм ва санъатнинг бошланиш нуқтаси бор. Шу нуқтага яқинлашган сари у соддалашиб боради.

\* \* \*

Илм мажлиси жаниат боғидир.

\* \* \*

Илмли шоҳга завол йўқ.

\* \* \*

Илмининг камоли – мулойимликдир.  
Илмининг заволи – ўзбилармонликдир.

\* \* \*

Илмининг мартабаси барча мартабалардан улуғдир.

\* \* \*

Ўрганиш – жафо, ўргангач шифо.

\* \* \*

Ақллини йиғлатиш ҳам қийин, кулдириш ҳам.

\* \* \*

Жаҳон равшан зиёти илмдантур,  
Кўнгил соғи сағойти илмдантур

Либаб Отин

\* \* \*

Илм ила кимнинг дили равшан эрур,  
У замини ичра саломат тай эрур

Фаридаиддин Аттор

\* \* \*

Илмнинг чеки йўқ, қаинча кўп ўқисант, бильмаган  
нарсаларнинг шунчалик кўпаяверади.

“Фаноқид үл-журнас”дан

\* \* \*

Билим, маърифат албатта, яхши ахлоқ билан  
безатилмоғи лозим.

Абу Наср Форобий

\* \* \*

Ақл-идрокли одамларнинг нафи ҳар динм кўпчиликка  
тегиб туради. Билим эгалари эса эдда азиз бўлади,  
хурмат қозонади. Бутун ишлар уқув-идрок билан амалга  
ошади. Барча мураккаб ишлар билим билан ҳал этилади.

Юсуф Хос Ҳожиб

\* \* \*

Илм ва ҳикмат ҳалол луқмадан ҳосил бўлади, ишқ ва  
марҳамат ҳам ҳалол ризқдан пайдо бўлади.

Жасониддин Румий

\* \* \*

— Агар илм ўргансам нима тоғтаман?  
— Агар кичик бўлсанг, улуғ ва машҳур бўласан, кам-  
бағал бўлеанг, бойлик орттирасан, машҳур бўлсанг, янада  
машҳурроқ бўласан.

Бузургмөдр

\* \* \*

Инсон илми, одоби ва тавозеси билан ёқимли,  
мехнати билан шарафли.

\* \* \*

Илм бир чироқдурким, сени роҳат ва фароғатга  
ҳеч бир заҳматсиз етказади.

\* \* \*

Илм – бу ота, балки у сут беришда онадан  
фойдалироқдир. У ёмонликни тузатиш учун  
ҳамма нарсадан яхшироқдир.

*Маҳмуд аз-Замахшарий*

\* \* \*

Чала билим эгаси бўлишдан кўра, билимсизлик  
афзалроқдир.

*Абу Али ибн Сино*

\* \* \*

Инсон билим туфайлигина барҳаётдир. Билим,  
тафаккур инсон ҳаёти, барҳаётлиги негизидир.

*Фридрих Гегель*

\* \* \*

Илмсиз тажкриба – боши берк кўча.

\* \* \*

Билганингий элдан аяма.

\* \* \*

Билим – ақл чироғи.



• • •

Билим давлатдан қиммат.

• • •

Билим – ёруғлик, билимсизлик – жаҳолат.

• • •

Билими бор – қашотли қүш.

• • •

Билишни истасант,  
Сўрашдан қайтма.

• • •

Одобли киши зийнатли, зийнатли киши ҳурматли.

• • •

Илмли бўлиш ўқиши, ёзиш билан ҳосилту мукаммал  
бўладиган бир сабоқдир. Агар олим киши чиройли,  
хушхат ёзувга эга бўлса, бу унинг камолотга  
етганидан далолатдир.

Маъмуд аз-Замашарий

• • •

Одамзод наслининг улуғлиги билимдан. У ақл-идрок пе-не  
тугунларини ечишга қодир. Уқув – идрок ва билим эгаси  
бўлган ҳар қандай одам шарафлидир.

Юсуф Хос Ҳожиб

• • •

Шарму ҳаёсиз бўлсанг,  
Ҳар ерда ерсан шатта.  
Маъқул билимдан бўлсанг,  
Иzzат-ҳурматини катта.

\* \* \*

Билим йўқ экан, фикр доираси кенгая олмас.

\* \* \*

Ер қуёш билан, инсон илм билан чарогон.

\* \* \*

Илм олишининг эрта-кечи йўқ.

\* \* \*

Илм эгаси учун – дўст, мол эса душмандир.

\* \* \*

Илмни ўғри ола олмайди, молни эса ўғри олади.

\* \* \*

Оламии қуёш, инсонни илм ёритади.

\* \* \*

Пул топгунча ақл топ.

\* \* \*

Ақлни беақлдан ўрган.

\* \* \*

Ақлсиз оғзидагини олдирад.

\* \* \*

Бешикдан қабргача илм изланг.

Ҳадис

\* \* \*

Хитойгача бориб бўлса ҳам илм изланг.

Ҳадис

\* \* \*

Ақл ҳам қўлланилмаса, заифлашади.

Япон халқ мақоли

\*\*\*

Ақл учуң үқиши худи тана утгы жисемий  
машқдар кабидир

Жозеф Аддисон

\*\*\*

Ақлли киши ҳеч қачон күчли киши билан тортишмайды.

Пьер Огюстен Бомарше

\*\*\*

Ақлли бўлишнинг эрта-кечи йўқ

Даниэл Дефо

\*\*\*

Ақли пастликни хотира заифлиги билан  
изоҳлаб бўлмайди.

Клюд Андриан Гельвеций

\*\*\*

Ер юзида энг ҳурматга лойиқ нарса – ақлдир.

Клюд Андриан Гельвеций

\*\*\*

Билимсизлик ақли иоқислик эмас, билим эса ақли  
расолик, комилликнинг белгиси эмас.

Люк де Капье Вовенарг

\*\*\*

Билимсизликнинг (жаҳолатнинг) уч усули бор: умуман ҳеч  
нима билмаслик; ўзгалар билган нарсани ҳам ёмон билмоқ;  
билиш керак бўлмаган нарсани билини.


Шарль Пино Дюкло

\*\*\*

Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур,  
замона илми ва фанидан бебахра миллат бошқаларга  
поймол бўлур.

Бедбудий





## ҲАСАДГҮДГЛ РӨҲАТ ЎҚ

Кимки ҳасад ўтин ёқса жаҳонда,  
Бу ўт унинг ўзин қўймас омонда.

Хожи Самандар Термизий

\*\*\*

Ҳасадчиларнинг ҳолигавой.

\*\*\*

Ҳасад душманлигидан бошқа ҳамма  
душманликнинг иложи бор.

\*\*\*

Ҳасадчи ҳалокатига  
ҳасадининг ўзи кифоядир.

\*\*\*

Жанжалкаш одамларгагина  
дунё тордир.

\* \* \*

Ҳасад балоси улкан фасодлар пайдо қилур.  
Чуники ҳасад бағоят жирканч хислатдир.

*Кошиғ үй*

\* \* \*

Ўзингга бино қўймасдан, доно,  
ақл-заковатли бўлишга интил.

*Эпикур*

\* \* \*

Азобда қолишини истамасанг, ҳасадгўй бўлма.

*Ал-Маали*

\* \* \*

Донишманларга ҳасад қилма, ўз ақлингдан мағурурланма.  
*Япон ҳалқ мақоли*

\* \* \*

Тўрт нарсани тўрт нарсадан, яъни дилни ҳасаддан, тилни ёлғондан ва ғийбатдан, қилган ишингни мунофиқликдан,  
коринингни ҳаром-ҳаришдан пок тут, шундагина  
чиң одам ҳисобланасан.

*Фаридиддин Аттор*

\* \* \*

Ҳусни хулиқдан яхшилик устига яхшилик қўшадиган,  
ҳасаддан кўра ёмонлик устига ёмонлик қўшадиган  
парса кўрмадим.

*Нажмиддин Кубро*

\* \* \*

Ҳасад – юракнинг занглаши, қайсарлик –  
мағлубият сабабчисидир.

\* \* \*

Дўстларнинг ҳасади, душманларнинг  
хусуматидан ёмондир.

Хасад ва адоватдан сақлаңайтынан  
ёнирса, хасад ва адоват одолескүй ишларимизни  
куйдиріб кулини күккә сипуряди.

Бошқаларнинг баҳт-саодатларини куролматан ҳасадчи  
киши доимо қайғу-алам остида бұлади. Үзгеларнинг яхши  
турмушлари унинг юрак-батынни ёниради.

Байт:  
Дилни аввал сан ҳасаддан пок қыл,  
Үзни сүнгра соҳиби идрек қыл!

"Донсыз үгити"дан

Кетар бирордии инсофу диёнат,  
Кеча-кундуз бўлур фикри хиёнат.

Ҳуваидо

Қаерда хиёнат обекқа турса,  
Ўша ердан диёнат йироклашади.

Юсуф Ҳос Ҳожиб

Хиёнаткор қаерга қўл урса,  
Денгизни симиради, ерни қуритади.

Юсуф Ҳос Ҳожиб

Хар кимки илм-ҳикматни ўрганаман деса, уни ёшлигини  
дан боцласин, саломатлиги яхши бўлсин, яхши ахлоқ ва  
одобли бўлсин, сўзининг устидан чиқсан, ёмон ишлардан  
сақлаңадиган бўлсин, хиёнат, макр-ҳийладан узоқ бўлсин.

Абу Наср Форобий

\* \* \*

Мұмшы киши бирөвнинг ҳақига хиёнат қилмайды.

Хади

\* \* \*

Хорлик истасаң хиёнатчи бўл.

*Абу Мансур Мотуридӣ*

\* \* \*

Кимки жиноят (хиёнат)ни кечирса, у ҳам шу  
шага шерикликка айланади.


Вольтер

\* \* \*

Ҳалиқа хиёнат қилдинг,  
Ўзингга жиноят қилдинг.

\* \* \*

Дига қилма хиёнат,  
Туролмассан саломат.









## ВАҚТИНГЕ КЕТДІ - НАҚДЫНГЕ КЕТДІ

Вақт - ақлий мөхнат кишисининг сармояси.

Оноре де Бальзак

\* \* \*

Вақт орқага қайтмагани учун ҳам, ҳар дақиқа ғанимат.

\* \* \*

Вақтни сотиб оладиган бозор йўқ.

\* \* \*

Вақт билан бирга қадам ташлаш - ҳаёт талаби.

\* \* \*

Босилган қадамларни вақт ўлчайди.

\* \* \*

Одамлар вақтга қарайди, вақт эса ҳеч кимга.

\* \* \*

Вақт ишонтирмайди ҳам, алдамайди ҳам.

\* \* \*

Биздан – ҳаракат, вақтдан – баракат.

\* \* \*

Баҳорги ҳаракат – кузги баракат.

\* \* \*

Фасллар дунё тусини ўзгартириб туради.

\* \* \*

Вақт қүёши ҳар қандай метинни  
ҳам эритиб ташлайди.

\* \* \*

Иисоният хатоларини вақт тузатади.

\* \* \*

Ҳар қандай мушкулни ҳам вақт осон қиласади.

\* \* \*

Вақтсиз одамни синааб бўлмайди.

\* \* \*

Яширилган сирни вақт очади.

\* \* \*

Мева – фақат дарахтнигина ҳосили эмас,  
вақтнинг ҳам ҳосилидир.

\* \* \*

Йилларни аямай совурган дақиқаларга зор бўлади.

\* \* \*

Доно вақтини қизғанади, нодон нақдини.

Йўқотилган вақт зар  
бўлиб боши \* \* \*  
лари бир куни тош  
з тушади.

Худонинг куни кўп, ле \* \* \*  
баъзида бир лаҳзага  
зор бўласан.

Кимки ёшлигига илм ўрганмаса, қариганда  
\* \* \*  
хурмат тополмайди.

Муҳаммад Зернӣ

Кимки бефойда умрин ўтказди,  
Хеч нарса олмай, олтин кетказди.

Саъдий Шерозий

Вақтни бекор ўтказиш аҳмоқликдир. Бекор юргандан  
кўра, душманга тош ташиган афзал.

“Оталар сўзи”

Молу пулинг кетса кетсин, аммо вақтингни зоё кеткизма.  
\* \* \*  
“Оталар сўзи”

Учта қийин иш бор: сирни сақлаш, зулмни унугаш ҳамда  
вақтнинг қадрига етиш.

Саъдий Шерозий

Иигитлик мавсуми, даврон ғанимат.

Сайқалий

\* \* \*

Ҳакимдан сўрадилар:

— Шунча илмни қандай ҳосил қилдинг?

У яйтди:

— Илм ўқиётгани пайтларимда ёндириган чироқ мойини ҳисобласинг, еб-ичган нарсаларимдан кўпроқ бўлади. Бундан маълум бўладики, вақтни еб-ичиш ва ўйнашга сарфлашдан кўра илмга сарфлаш зарур экан.

«Фавоқиҳ ул-жуласо»дан

\* \* \*

Билим қидиришга урдим бошимни,  
Бекорга ўтказмадим умримни бир дам.  
Қайдаки эшиғеам илму донишни,  
Эшиги тагида ўлтиридим маҳкам.

Носир Хисрав

\* \* \*

— Йигит йигитдан шимаси билан ортиқ?

— Ҳушбрлиги билан!

Ҳушбрлик — улкан бойлик, танбаллик эса — вақтни бекорга ўтказишидир.

«Оталар сўзи»

\* \* \*

Қувватим борида фойдам билмадим,  
Тушунгани вақтимда кучим бўлмади.

Фарииддин Аттор

\* \* \*

Қуёшининг ҳар ботишида бир парча камайишинг бор.

Ҳасан Басрий

\* \* \*

Курдимки, вақтини «эсиз», «қанийди», «кошки»лар билан ўтказган кишининг умри энг қисқа экан.

Нажмиддин Кубро

\* \* \*

Бенаф умрдан бера      ғим ағзад.  
Йохани Вольфганг Гёте

\* \* \*

Илм әгаллаш асносидағи әнг кераксиз нарса –  
димоғдорлик, әнг зарур нарса эса вақтдир.

Зенон

\* \* \*

Фурсатни бой берманг, вақт ортта қайтмайды.

Хитой халқ мақоли

\* \* \*

Ешиликни беҳуда ўтказмасанг, қариганда ҳеч  
нарсадан ағсусланмайсан.

Юз Фэй

\* \* \*

Әнг оғир йүқотишлардан бири – вақтни йүқотишдир.

Жорж Бюффон

\* \* \*

Вақт – ақллироқ, яхшироқ, етукроқ ва мұкаммалроқ  
бўлиб етишишимиз учун бизга инъом этилган  
қимматбаҳо сөвғадир.

Томас Манн

\* \* \*

Пул – азиз, инсон ҳаёти – ундан ҳам азиз, вақт эса  
жуда кўп нарсадан азиздир.

Александр Суворов

\* \* \*

Вақт – ақлий меҳнат қишисининг сармояси.

Оноре де Бальзак



\* \* \*

Вақтни бой берәйтганида хуноб бүладиган одам  
энг бой одамдир.

Джоне

\* \* \*

Оқил одамлар – вақтнииг ғурбатини ўзи билан құшиб  
үтказиб юборади, хурсандчилігини эса  
олиб қолишінде ҳаракат қиласы.

\* \* \*

Үтгап күн ҳақидаги: “Мен уни қандай үтказдым, нималар  
қилдым-у, шималарга улгуролмадым?” – деган саволларға  
жавоб тоғмагуңча күзларинг уйқуга кетмасын.

Пифагор

\* \* \*

- Инесиң учун тотли нараса нима?
- Үмід.
- Энг яхши маслағатчи ким?
- Вақт.

Триевналик Биант

\* \* \*

Вақт олий ҳакам.

Эдмунд Бёрк

\* \* \*

Ұтаёттап вақтингдан шундай фойдаланки, токи қарига-  
шында бекор кетган ёшлигиниг учун ўзингни койимайдыған  
бўлишинг керак.

Жованни Боккаччо



Вақт бу – ҳај иисондир.

Пьер Огюстен Бомарше


Энг оғир йүқотишилардан бири – бу вақтни йүқотишидир.  
Жорж Луи Леклерк де Бюффон


\* \* \*

Кимки вақт қадрини англамас экан, у машхурлик  
учун яралмагандир.

Люк де Клапье Вовенарг







## ШИГАРДЫК ТӨЛӨ ЁРІ

Умид билан яшашға одатлан.

Абу Мансур Мотуридий

\* \* \*

Бахт – қадрига етмаганни ташлағ кетади.

\* \* \*

Орзу интилиш билан амалға ошади.

\* \* \*

Гулни севган тиканиға чидайды.

\* \* \*

Күчатни ўтқазмасаң – күкармас,  
Мақсадни истамасаң – топилмас.

\* \* \*

Қимирлаган қир ошар.

\* \* \*

Аҳд қылған бахт топар.

\* \* \*

Йўл юрган хазинага йўлиқар.

\* \* \*

Тиришганинг тўқмори,  
тошга чега қоқади.

\* \* \*

Тиришган тоғдан ошар.

\* \* \*

Тиришдим, тоғдан ошдим,  
Асир эдим, қутулиб қочдим.

\* \* \*

Ҳаракат инсон қиёфасини очиб берувчи энг аниқ  
воситадир. Инсон қандай ҳаракат қилса ўшандайдир.  
Дунёга ақл кўзи билан боққан одамга дунё ҳам  
оқилона қарайди.

*Ҳаким ат-Термизий*

\* \* \*

Бирон ишни қилингта қасд қилган бўлсам, бутун зеҳним,  
вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан  
қўлимни тортмадим.

*Амир Темур*

\* \* \*

Илмга, ижодга, кашф этишга интилиш – бу  
олийжаноб интилишдир.

*Ислом Каримов*

\* \* \*

Файрат қилган, тоғни кесар,  
Файрат темирдай арқонни узар.  
Ўзбек ҳалқ мақоли

Кимда-ким ўз изланишилари іг афзаллиги қонуниятла-  
рини излаб топишида деб ларкан, ул албатта, ўз  
қараашларини амалда ибайтлаш йўлидан боради.

Абу Райдон Беруний

\* \* \*

Инсон юксак камолотга эришиш йўлида ҳаракат қилгани-  
дек, ақлий билишга ҳам ҳаракат қилса, ҳеч шубҳасиз ўзи  
интилаётган сўнгги даражадаги баҳт-саодатга эришади.

Абу Наср Форобий

\* \* \*

Бўлар одам ёшида бош бўлар,  
Бўлмас одам қирқида ҳам ёш бўлар.

«Амир Темур ўғитлари»дан

\* \* \*

Жондан кечиб майдон сари сурган от.  
Бахту иқболига бўлур мұяссар!

Хожа Самандар Термизий

\* \* \*

Аллоҳ ғайратли одамни яхши кўради.

Ҳадис

\* \* \*

Инсон курашчи демакдир.

Йоханн Вольфганг Гёте

\* \* \*

Мўмин кишининг яхши нияти қилган амалидан  
ҳам афзалдир.

Ҳадис

\* \* \*

Мақсадни қўлга киритишида ғайрат иш беради. Ҳар када  
ғайрат бўлмаса, унда ўзгаларга ибрат бўла олиш  
қобилияти бўлмайди.

*Муҳаммад Жавҳар Заминбор*

\* \* \*

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий,  
тадбиркор ва ҳушёр бир киши, минг-минглаб тадбираиз,  
лоқайд кишилардан яхшидир.

*Амир Темур*

\* \* \*

Ҳаракатинг эрта бўлса, кузда эрта ўрасан,  
мехнатинги ҳалол қиласанг, ҳузурини кўрасан.

\* \* \*

Тиришдим тоғдан ошдим,  
ёргулук сари йўл очдим.

\* \* \*

Илм ўрганмасдан туриб,  
улугликка интилган кишига ҳайронман.

*Абдуллоҳ ибн Аббос*

\* \* \*

Мақсад талаби йўлида ҳимматинги онқадар бўлсинким,  
башарти менинг бошимга оёқ қўйиб ўтишга тўғри келсаю  
ва сиз ўтмасангиз – асло кечирмасман.

*Баҳоуддин Нақшбанд*

\* \* \*

Сен орзуларга таяниб қолишдан эҳтиёт бўлгин,  
чунки у аҳмоқликнинг бўлаклариdir.

*Али ибн Абу Толиб*

\* \*

Яхшилар кетидан – пр чопарсан,  
Истагинг, баҳтиингиз шунда топарсан.

*Саъдий Шерозий*

\* \* \*

Бугуннинг чорасини кўриб, эртага эҳтиёжи  
қолмаган киши ақллидир.

*Абу Райдон Беруний*

\* \* \*

Кимки интилмаса, у ҳеч нарсага эришмайди,  
Кимки шижаат кўрсатмаса, ҳеч нарсали бўлмайди.

*Биссарион Белинский*

\* \* \*

Ўз кучига ишонган одамнинг қўлидан ҳамма нарса келади.

*Александр Гумбольдт*

\* \* \*

Ким мащаққат чекди – тоғди газна ҳам,  
Ким тиришқоқ бўлди – кўп тоғди карам.

*Жалолиддин Румий*

\* \* \*

Излаган – топгай, деган гап тўғридир.

*Жалолиддин Румий*

\* \* \*

Олимларга яқинлаш, баҳра олгил тутиб дил.

*Маҳмуд Кошгариј*

\* \* \*

Ҳар бир киши – ўз саодатининг ижод ори.

Ричард Стил

\* \* \*

Инсон ўз кучига ишонган жойдагина, бирор нарсага  
эриша олиши тайин.

Людвиг Фейербах

\* \* \*

Тиришқоқлик илм сари ягона йўлдир.

Бернард Шоу

\* \* \*

Максади улуғлашган сари одам ҳам улуғлашиб боради.

Фридрих Шиллер

\* \* \*

Умр бағоят қисқа ва у моҳият-эътибори билан  
зўр саодатдир.

Сергей Ценский

\* \* \*

Секинликдан қўрқма, тўхтаб қолишдан қўрқ.

Хитой халқ мақоми

\* \* \*

Мингга суян, туманига суян, яхшиси ўзингга суян.

Хитой халқ мақоми

\* \* \*

Тириклик жисмнинг идрок ва ҳарака са  
эга бўлмоғи демакдир.

Абу А ибн Сино

Бахт – яхши кайфият, ф...ровонлик, уйгунлик,  
мутаносиблик ва вазминлиkdir.

Демокрит

Эзгуликнинг асосий белгиси – ҳаракат.

Цецирон

Доимо олға интилиш – инсон табиатининг асоси.

Блез Паскаль

Ҳеч шубҳа йўқки, бемаъни хатти-ҳаракатлар яхши  
қоидалардан кўра кучлироқ таъсир кўрсатади.

Жон Локк

Инсоннинг хатти-ҳаракатлари унинг  
фикрлари таржимонидир.

Жон Локк

Ўз хоҳиш-истакларининг чегарасини билмасликдан  
ортиқ бахтсизлик бўлмайди.

Лао Цзи

Ҳаёт доимо ҳаракатда бўлиши учун –  
истаклар ҳар доим зарур.

Самюэл Жонсон

Яшаш – тўхтамай ҳаракатланиш демакдир.

Самюэл Жонсон



\* \* \*

Агар давлатда түгри тамойиллар жорий этилма стан  
бўлса, ҳаракатларни түгри қилиш мумкин, ам то  
эҳтиёт бўлиб сўзлаш керак.

*Конфуций*

\* \* \*

Буюк ишиларни амалга оширишга барқарор  
сергайратлик керак бўлади.

*Вольтер*

\* \* \*

Кинилар ўзлари учун одатий ҳолга айланиб қолган  
хатти-ҳаракатлардан виждони қийналмайдиган  
бўлиб қоладилар.

*Вольтер*


\* \* \*


Умидга ўран, ишонч билан интил — қайта туғиласан.

\* \* \*

Ҳаётининг бир қаноти — саломатлик, иккинчи  
қаноти эса ҳаракатdir.









## ХУНАРЛЫ ҚИШИ ХОР БҮЛМАС

Түрт нарса саодат далилидир: түгри сұз,  
камтарлик, ҳалол касб-хунар, сир сақлаш.

Хусайн Вәзіл Кошиғий

\* \* \*

Хунарни ўрганишга ҳам хунар керак.

\* \* \*

Хунар – хунардан унар.

\* \* \*

Йигит кишиға етмиш хунар ҳам оз.

\* \* \*

Хунарлы – ўлмас,  
Хунарсиз – қын күрмас.

\* \* \*

Хунар түйғизар,  
От миндириб, түн кийгизар.

\* \* \*

Ҳунарли эр хор бўлмас,  
Дўст-душманга зор бўлмас.

\* \* \*

Ҳунар ва билим – мулкдир.

\* \* \*

Ҳунарга эга бўлиш – конга эга бўлишдир.

\* \* \*

Касбни тўғри танлаш – баҳтдир.

\* \* \*

Ҳунар – бугунида эртасини ўстиради.

\* \* \*

Ҳунарманд – ўз касби билан тақдир яратади.

\* \* \*

Билим ва ҳунар – инсоннинг доимий ҳамроҳидир.

\* \* \*

Касбини севгаш киши учун қилаётган иши ҳаётдир.

\* \* \*

Мутахассис – ўз касбининг шифокори.

\* \* \*

Ҳунар темирни ҳам тирилтира олади.

\* \* \*

Дедқон – экинининг ёнига орзу ҳам қўшиб эккан.

\* \* \*

Кулол оддий лойдан мўъжиза яратса олади.

\*\*\*

Ҳар касбнинг ўз гашти бор.

\*\*\*

Санъаткор – дилларга нур олиб кирувчидир.

\*\*\*

Зар қадрига – заргар етади.

\*\*\*

Касби борнинг – баҳти бор.

\*\*\*

Хунарманц одам – элга ҳамдам.

\*\*\*

Жамиятни ҳунарлар безайди.

\*\*\*

Текин бойлик ахтаргунча,  
Ўзингга бои ҳунар топ.

\*\*\*

Жони борнинг ғами бор,  
Касби кори, номи бор.

\*\*\*

Юз ҳунарни чала билгандан  
Бир ҳунарни тўла бил.

\*\*\*

Қизнинг кўрки – ноз,  
Йигитнинг кўрки – ҳунар.

\*\*\*

Қуит билан ўрган ҳунар,  
Ҳунардан ризқинаг унар.

\* \* \*

Хунарлик кишилар гапирмайды,  
Қараб тур: хунарнинг ўзи гапирав.

Аҳмад Даң ш

\* \* \*

Ўз ўғлини ҳеч бир фойдали ишга ўргатмаган одам бутун  
кучини ўғрига сарфлаётган бўлади.

Томас Фуллер

\* \* \*

Олтии ва кумуши бўлмаган одам камбағал эмас, балки  
эс-хуши ва қасб-хуари бўлмаган киши камбағалдир.

Мажидиддин Ҳавоғий

\* \* \*

Хунар ва санъат шундай нарсаки, у кераксиз бўлиб қол-  
майди, ишлатмасаиг ҳам йўқолиб кетмайди, керак пайтда  
эса сенга кўмакчи бўлади. Эркак кишига қирқ ҳунар ҳам  
оз. Эркак бўла туриб, «мен буни билмайман»  
дейини уятдир.

«Фавоқиҳ ул-жуласо»дан

\* \* \*

Кишида бўлмаса фазлу ҳунардан,  
Ундайшиг сувратдан нима фарқи бор.  
Ҳунар дунё тўйлаш учун эмасдир,  
Ўзгалар кўнглини шод қилгин такрор.

Муҳаммад Жавҳар Заминдор

\* \* \*

Эй ўғил! Бу насиҳатларга қулоқ сол, қасбу ҳунар  
ўрганишидан ор қилма, меҳнат қилишини ўрган. Юрт ва  
алининг ривожи ҳам ҳунарга боғлиқ. Ҳалол ва энг ёқим-  
ли смиш ва кийиш ҳунардан ҳосил бўлади. Куни келиб

дунё тасодиғлари туфайли мол-мұлқдан ажралсанғ ҳам,  
хунардан ҳеч қаңон ажралмайсан. Хунар сенинг доимий  
ҳамроҳинг, мададкорингдир.

Мұхаммад Жавәр Заминдор

\* \* \*

Инсоннинг хунари – уннінг бойлиги,  
Пул тугайды, бироқ хунар тугамайды.

«Оталар сүзи»

\* \* \*

Эй ўғил! Дунёда ёқимсиз ва энг ёмон хислатлардан бири  
ишиламасдан бирорларнинг инъом-әхсонига таъма күзини  
тикиб ўтиришдир. Касбу хунар әгаси таъмадан ҳөлидир.

У ўз хунарининг фазилати туфайли ўз меңнати  
билан ҳалол топиб, ҳалол ейди.

Мұхаммад Жавәр Заминдор

\* \* \*

Одамнинг баракали ва бадавлат бўлиши учун касбу  
хунардан қимматроқ мато йўқ ва улуғлиқ ҳамда саодат  
осмони учун эса қобилиятдан ёрқинроқ юлдуз йўқдир.

Хунар суви билан суроритмаган киши гўёки мева ва  
сояси йўқ қуруқ дарахтга ўхшайди. Еки ҳид ва раигдан  
холи гулга монанддир. Билим ва ҳақиқат боғиннинг  
боғбонлари касбу хунарсиз кишиларни жамиятнинг  
разил ва пасткаш кишилари, деб ҳисоблаганлар. Касбу  
камолсиз кишининг муҳаббати ҳеч бир дилдан жой  
олмайди ва ҳеч ким касбу хунарсиз кишига  
ёрдам қўлини чўзмайди.

*Байт:*

Хунар билан ҳаёт нахлии эгаллаганларга,  
Саодат хазинаси калити мұяссардир.

*Бархурдор иби Махмұд*

\* \* \*

Хунарларни топмоқ – едурмакдур ва айбларни  
ёпмоқ – кийдурмакдир.

*Алишер Навоий*

\* \* \*

Халқтар ва шаҳар аҳларини тарбиялаш касб-хунарни  
эгаллашы ва камолотта әришишга ўз ихтиёрлари билан  
иитилған кишилар ҳақиқий фазилат әгалари, ҳақиқий  
санъат аҳлларидир.

*Абу Наср Форобий*

\* \* \*

Йўқ ҳунари, ёлғиз эса ўз киши,  
Қайда киши сонида – ёлғиз киши.

*Алишер Навоий*

\* \* \*

Иисоний хислатлар тўрт қисмга бўлиниади: назарий  
фазилатлар, тафаккур фазилатлари, яралма (ҳаёт  
жараёнида вужудга келувчи) фазилатлар ва  
амалий санъат (касб) фазилатлари.

*Абу Наср Форобий*







## ОТА-ОНАРА МУҲАББАТ

Ҳар бир фарзандки, оқил ва доно бўлса,  
ота-она меҳр-муҳаббатини адо этмакдин бош тортмагай.

“Қобуснома”дан

\* \* \*

Отага итоат – Аллоҳга итоат қилишидир.

Ҳадис

\* \* \*

Таниқлиг-у шарафинг отангдандир, меҳрибонлик,  
мушифиқлик онангдандир.

Маҳмуд из-Замахшарий

\* \* \*

Ўғил доно бўлса, ота роҳатга етади.

Маҳмуд Кошгарий

\* \* \*

Отасини оғритган эл ичинда хор бўлур,  
Онасини оғритган – парча ионга зор бўлур.

\* \* \*

Ота – ақл, она – идрок.

\* \* \*

Онали уйнинг ори бор,  
Отали уйнинг зари.

\* \* \*

Амри падар – аршдан улуг.

\* \* \*

Ота рози – худо рози.

\* \* \*

Ота қарғиши – ўқ,  
Она қарғиши – дўқ.

\* \* \*

Олти оға йиғилиб ота бўлмас,  
Етти янга йиғилиб она бўлмас.

\* \* \*

Отанинг сўзи – олмоснинг юзи.





\* \* \*

Ҳақ йүлинида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш раңж ила,  
Айламак онинг ҳаққин бўлмас адо юз ганж ила.

*Алишер Навои*

\* \* \*

Агар одам илм ва ҳунар таҳсили билан улуғ кишилариниң  
ҳунарини ўрганиса, вужуд матосининг қадри ҳаёт дўконида  
аъло дароякага стиб, тошиш-тутиши ҳам кўпроқ бўлади.

*Бархурдор иби Маҳмуд*

\* \* \*

Дено сухбати ҳар икки жаҳон учун фойдалидур.

*Ҳасан Басрий*

\* \* \*

Донишманд – баққолининг дўконига ўхшайди: борини  
индамайтина кўрсатади-қўяди, нодон эса лашкар  
погорасининг ўзи: овози баланду ичи бўм-бўш ва ғариб.

*Саъдий Шерозий*

\* \* \*

Устозининг олдида камтар бўл.

\* \* \*

Энг катта мерос – бу тарбияланганликдир.


*Али иби Абу Толиб*


\* \* \*

Уста кўрмаган шогирд,  
Ҳар мақомга йўрғалар.

\* \* \*

Устозининг зулми ота меҳридан афзал.







## КИТОБ – БИЛИМ ЧИРОҒЫ

Китобсиз уй қалбсиз танага үхшайды.

Цицерон

\* \* \*

Кўп китоб йифиши ва кўп дўст орттиришда маъно йўқ,  
гап китоб ва дўстни ташлашдадир.

\* \* \*

Китоб – билим сарчашмасидир.

\* \* \*

Китоб – билим қалитидир.

\* \* \*

Китоб – улкан хазинадан фойдалироқдир.

\* \* \*

Китоб – маънавий озиқадир.

\* \* \*

Юзга кирсанг, юз йил ўқи.

\* \* \*

Кўп ўқиган кўп билади.

\* \* \*

Ўқиган – олим, ўқимаган – ўзига золим.

\* \* \*

Ўқиш бошқа, уқиш бошиқа.

\* \* \*

Китоб – барча бунёдкорлик, яратувчилик ва  
ақл-идроқнишг, илму донишнинг асосидир.

Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир.

«Амир Темур ўғитлари»дан

\* \* \*

Одамлар китоб ўқимай қўйсалар –  
фикрлашдаи тўхтайдилар.

Дени Дидро

\* \* \*

Бу дунёда китобга юз ўтиргил,  
Китоб фикри, китоб зикрида бўлгил.  
Агар ёлғиз эсанг ҳамдам китобдур,  
Билим субҳидаги нур ҳам китобдур.

Абдураҳмон Жомий

\* \* \*

Китоб олимлар фикрининг паноҳгоҳи, доно кишилар  
бўстонининг чамани, оддий кишиларнинг томошагоҳидир.  
Ўқимсасиз кишиларга дил очувчи боғ, кўнгли шикасташарга раҳнамодир. Ўҳамма ерда барча билан ошно,  
дардли кишилар дилига даводир.

Муҳаммад Жабалрудий

Кимки китобга кўп китоб унинг зеҳонини очади,  
завқини оширади, сўзга чечан қиласди.

\* \* \*

Китоб – ёлғизликдаги энг мунис ҳамдамдир.

\* \* \*

Китоб – ўтмишдан ҳам, келажакдан ҳам  
хабар берувчидир.

\* \* \*

Китоб – инсондан ҳеч нарса тиламайди, аммо  
уни камолга етказади.

\* \* \*

Китоб – одоб-ахлоқнинг кони, билиминг эса булогидир.  
«От十分重要»

\* \* \*

Соҳибкордан боғ қолар,  
Донодан – китоб.

\* \* \*

Қўлида яхши китоби бор одам ҳеч қачон ёлғиз бўлмайди.  
Карло Гольдони

\* \* \*

Инсон билим туфайлигина барҳаётдир. Билим, тафаккур  
инсон ҳаёти, барҳаётлиги негизидир.  
Фридрих Гегель

\* \* \*

Яхши китобларни ўқиш – бу ўтган даврларда яшаб ўтган  
инсонлар билан гаплашишидир. Яна қандай гаплашишилиги-



ни биласизми – улар ўзларининг энг яхши  
фигрларини бизга етказиб бергандек бўлишади.

*Рене Декарт*

\* \* \*

Билим – қайтариш ва тақрорлаш мевасидир.

*Абу Райҳон Беруний*

\* \* \*

Китоб сўзлари кишининг қўлидан тутади, уни эзгу  
йўлга бошлайди. Бу ҳикматни кўплаб китобларни  
ўқиган одамгина англаб етади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

\* \* \*

Китоб қадрини ҳамма эмас, билимдон, доно кишиларгина  
билади. Нодон кишилардан билимсизликдаи бошқа  
нима келади?

*Юсуф Хос Ҳожиб*

\* \* \*

Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур,  
замона илми ва фанидан бебахра миллат  
бошқаларга поймол бўлур.

*Беҳбудий*

\* \* \*

Китобни қадрламоқ керак, бу тафаккур қасрига  
иззат-эҳтиром билан оҳиста қадам қўймоқ лозим.

*Александр Гумболът*

\* \* \*

Умрнинг поёни бор, билим эса чексиз.

*Жуангзи*

\* \* \*

Билим билан ҳатто кўкка ҳам йўл топса бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Билим олишни.

Уни билгандан афзал, билим  
олишни бахт деб билган билимни севгандай афзал.

Конфуций

\* \* \*

Китоб ўқисанг юз бор тақрор,  
Маъно-мағзи бўлар ошкор.

Чен Шоу

\* \* \*

Китоб сўзлари кишининг қўлидан тутади, уни эзгу  
йўлга бошлайди. Бу ҳикматни кўплаб китобларни  
ўқиган одамгина англаб етади.


Юсуф Хос Ҳожиб

\* \* \*

Юз миллатнинг китобин ўқиса ҳам омидир,  
Одамийлик китобин ўқимаса ҳар киши!

Абдулбаракот Қодирий







## КУЧ – АДОЛАТДА

Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади.

Амир Темур

\* \* \*

Ҳалол молниинг қулфи ўзида бўлар.

\* \* \*

Тўғри – ўзар, эгри – озар.

\* \* \*

Ўзи тўғрининг – сўзи тўғри.

\* \* \*

Ақл эгалари, виждан соҳиблари ҳар вақт кўрган, қилган  
ва билғанларининг ҳақиқатини ва тўғрисини сўзлайдилар.

Абдулла Алоний

\* \* \*

Ҳақиқатга интилиши – қаҳрамонга хос бўлган ягона ишдир.  
Жордано Бруно

\* \* \*

Ўзгаларга ёлғон гапирмаслик учун, ўзинг ростгүй бўл.  
Френсис Бекон

\* \* \*

Ҳақиқат – ҳақиқатга зид бўлолмайди.

Жордано Бруно

\* \* \*

Кимки бир кўнгли гарининг хотирин шод айлагай,  
Онча борки, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.

Алишер Навоий

\* \* \*

Умр – қисқа. Ҳақиқат узоқ яшайди. Келинг,  
ҳақиқатни сўзлайлик.

Стендаль

\* \* \*

Ҳақиқатни англашга итилувчилар чин файласуфлардир.  
Афлотун

\* \* \*

Ҳалол ризқ исташ ҳар бир мусулмон учун вожибдир.

Ҳадис

\* \* \*

Адолатли зотларни туғишганингиздан ҳам аъло кўринг!

Антисфен

\* \* \*

Янглиши доимо ўзига ўзи зид, ҳақиқат эса – ҳеч қачон.  
Клод Андриан Гельвеци

\* \* \*

Бир кунлик адолат юз кунлик тоат-ибодатдан афзал.

«Амир Темур ўгитлари»дан

Хайрли ва сабили ишлар инсонни турли  
ҳалоқатлардан сақлайди.

Ҳадис

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,  
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур.  
Яхши киши кўрмагай ёмонлиғ ҳаргиз,  
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур.

Задириддин Муҳаммад Бобур

Виждон олийжаноб одамининг одил ҳакамидир.

Арасту

Тўғрилик, агар у тўғрилиги исботланаётган нарсанинг  
бевосита ўзида топилса, у ўша нарсанни  
мустаҳкамлайди, яхшилайди.

Абу Ати ибн Сино

Тўғри ва ҳақ йўлдаги кишининг юриши арслон  
юришидан ҳам маҳбобатлироқдир.

Абулҳосим Замахшарий

Қандай бўлсанг, шундай кўрин, қандай кўринсанг,  
шундай бўл.

Жалолиддин Румий

Инсон тарбиясининг даражаси бошқанинг хуқуқини  
хурмат қилиш билан белгиланади.

Муҳаммад Камол Пилав

\* \* \*

Адолат – охиратда пажот, дунёда саодат бошидир.

*Али ибн Абу Толу*

\* \* \*

Халол одамни таъқиб қилиш мумкин, аммо уни  
шарманда қилиб бўлмайди.

*Вольтер*

\* \* \*

Дунё (юрг) ободлиги тўртта нарса сабабидан: раҳбарлар  
адолати, олимлар илми, бойлар саховати,  
муҳтоjlар дуоси.

*Абу Ҳомид Газзалий*

\* \* \*

Адолат йўқолган пайтда кишилар ҳаётига қадр-қиммат  
бера олини мумкин бўлган ҳеч нарса қолмайди.

*Иммануэл Кант*

\* \* \*

Тўғриликдан келмиш ҳамма яхши от,  
Эгриликдан фойда кўрмади бир зот.

*Абулқосим Фирдавсий*

\* \* \*

Тўғрини де, тўғрини кўр, тўғри юр,  
Тўғри ганир, тўғри эшит, тўғри тур.

*Абдураҳмон Жомий*

\* \* \*

Қуен нурларини беркитиб бўлмаганидек, ҳақиқатнинг  
чироғини ҳам сўндириб бўлмайди.

*Абулқосим Замахшарий*

Ёлғон гапир

\* \* \*

Күрік қолғандай күра, рост  
шаб үлгап яхши.

"Авеста"дан

\* \* \*

Ростгүйликда хавфу хатар күрсәнгиз ҳам,  
рост сұзлангиз.

Хадис

\* \* \*

Эй ўғыл, бу дунё корхонасида шундай йұл тутки,  
күйган кийиминг ва еган овқатиң ҳалолдан бұлсии!

Абдибек Шеролий

\* \* \*

Тұғри бўлқим, ундан топарсан камол,  
Тұғрига зафар ҳам кўрсатур жамол.  
Рост йўлдан тойилмай юрса гар киши,  
Жаҳонда бўлмағай асло ташвиши.

Низомий Ганжавий

\* \* \*

Хар кимки сўзи ёлғон,  
Ёлғони зоҳир бўлғоч уёлғон

Алишер Навоий

\* \* \*

Халоллик, тўғрилик – катта баҳт.

Эмиль Золя

\* \* \*

Мен ўзимга қарши чиқишим мүмкін, лекин ҳеч қачон  
ҳақиқатга қарши боролмайман.

Мишель Монтен

\* \* \*

Дунёда ҳалол одамдан ҳам буюкроқ зот йўқ.

Ромен Роллан

\* \* \*

Бир умр бахтли бўлишни истасанг,  
ҳалол одам бўл.

Томас Фуллер

\* \* \*

Адолат элни яшинатади.

Юсуф Хос Хожиб

\* \* \*

Ёмонликин заррача бўлса ҳам қилма; заррача бўлса  
ҳам яхшиликтан эриима. Одамларнинг яхшиликлариини  
ёдингда тут, хатоликларини унут.

Чен Шоу

\* \* \*

Ҳақ сўз – аччиқ сўз.

\* \* \*

Тўғри сўзининг заҳри йўқ.

\* \* \*

Тўғри сўз қиличдан ўткир.

\* \* \*

Тўғри тил тошни ёради,  
Эгри тил бошни ёради.

\* \* \*

Бошингга қилич келса ҳам тўғри гапир.

\* \* \*

Эгри кўчадан юрсанг ҳам тўғри юр.

\* \* \*

Эгри ўтирсанг ҳам тўғри гапир.

Тү таёк - балога түрд.

\* \* \*  
Күнғир иш - қирғын иш.

\* \* \*  
Күнғир ишнинг қирқ йилдан кейин ҳам қийиги чиқади.

\* \* \*  
Ёлғончининг рост сўзи ҳам ёлғон бўлар.

\* \* \*  
Ёмон ўлди деса - ишон, ёмонлигини қўйди деса - ишонма.

\* \* \*  
Ёлғонни эмас, ҳақиқатнинг ортидан қув.

\* \* \*  
Асло алдай олмайсан, фақат ўзингни алдайсан.

\* \* \*  
Ҳамиша ҳақли бўлишни унут.

\* \* \*  
Яратган тўғри сўзлаган инсонни севади.

\* \* \*  
Тўғри сўз аччиқ бўлур.

\* \* \*  
Тўғри сўз туққанингга ёқмас.

\* \* \*  
Тўғрисўзлик ва ҳалол меҳнат кишини хавфнинг  
ортидаги балодан қутқаруди.

\* \* \*

Тұғрилик, ҳалоллик, тиришқоқлик, умидворлик, тежамкорлик, меңнатсеварлик, шахсий ибрат – айна мана шу етти хислатта амал қилиш – тарбия самарадорлитининг тамал тоши ҳисобланади.

Абу Али ибн Сине

\* \* \*

Елғончи чин дея олмас,  
Чин деса ҳам, эл инонмас.

\* \* \*

Елғончига ишонч йўқ.

\* \* \*

Елғончининг ёнидан ўтма,  
Ростгўйининг ёнидан кетма.

\* \* \*

Рост гапга завол йўқ.

\* \* \*

Хашакдан ҳашам бичма,  
Елғондан қасам ичма.

\* \* \*

Туҳмат тош ёрар,  
Тош ёрмаса бош ёрар.

\* \* \*

Рост сўз ҳаққа қарор топар.

\* \* \*

Киши ростгўйлик билан улуғлар даражасига етади.

\* \* \*

Ёлғончида ор бўлмас, тўғри сўали хор бўлмас.

\* \* \*

Ёлғончиликдан четланиб, ростгўйликка юз тутган  
кишини бошқа одам у ёқда турсин, ёлғончининг  
ўзи ҳам севиб мақтайди.

\* \* \*

Баъзилар исбот кучсиз бўлса ҳам, ўзларига ёқкан  
нарсани тан олади, гарчи рост бўлса ҳам, эътиқодларига  
тўғри келмайдиган нарсадан қочади.

\* \* \*

Ростгўйлик лаззатини тотмаган ёки лаззатини билса ҳам,  
тотишни истамаган киши уни севмайди.

\* \* \*

Ёлғончилик кишини адолатдан юз ўтириради: у зулм,  
ёлғон гувоҳлик, омонатга хиёнат, бошқалар мулкини  
ҳийла билан ўзлаштириш, ўғрилик ва халқларнинг  
бузилишига сабаб бўладиган бошқа ёмон хулқларни  
кишига яхши қилиб кўрсатади.

\* \* \*

Юнон файласуфлари ҳақиқатни баён қилишга уринса ҳам,  
авом халққа тегишли тушунчаларда уларнинг  
эътиқодлари ва шариатларидаги ишоратлардан  
четга чиқа олмади.

\* \* \*

Шундай кишилар бўладики, уларнинг табиатига ёлғон  
хабар тарқатиш одати ўриашиб қолиб, гўё уига шу  
вазифа юклангандек бўлади ва ёлғон хабар тарқатмаса

тишний олмайди. Бу эса ёмон хоҳишлардан ва табиатига бузук фикрларининг жойлашганидан келиб чиқади.

\* \* \*

Ҳар бир тўғрию потўғри, ютугу нуқсонни унинг ўз жинсидан қидир.

\* \* \*

Ёлғончилик билан машҳур бўлган кишиларнинг биридан: "Ҳеч рост гапирганимисан?" деб сўралганида: "Рост гапириб қўйинишдан қўрқмасам, йўқ дер эдим", деб жавоб берган экан.

\* \* \*

Хабар хабарчилар туфайли рост ва ёлғон тус олади.

\* \* \*

Тенглик ҳукм сурған жойда сотқин, алдамчи эҳтирослар, гам-гусса бўлмайди.

\* \* \*

Ҳамманинг табиатида адолат бевосита севикли ва ҳамма унинг яхшилигини билгани каби, ростгўйлик ҳам шундай.

\* \* \*

Адолат қиличи кескир бўлар.

\* \* \*

Арzon бўлса, олувчидан инсоф кетар,  
қиммат бўлса – сотувчиidan.

\* \* \*

Даъвогар суст бўлса, қози муттаҳам бўлур.

\* \* \*

Инсоф – сари барака.

\* \* \*

Ноинсофга эрк берсанг, элни талар.

Ношукурда шундай тақдиматында – ошакурда – узр.

\*\*\*  
Порахўрният қўли гўртта, кўзи бешта.

\*\*\*  
Хукмронлик адолат билан мустаҳкам бўлади

\*\*\*  
Жоҳилларният давлати адолат узрадир.

\*\*\*  
Адолатли кишининг фикри олтинга тенг.

\*\*\*  
Фақат мард иисонларгина адолат учун курашади.

\*\*\*  
Порахўрният тавбасидан қўрқ,  
Муғомбирният йифисидан.

\*\*\*  
Ёмонлик қилган кишининг  
ўзи ҳам ёмонлик кўради.

\*\*\*  
Ортиқча ёмонлама, ёмонга  
тарафдорларни кўпайтирасан.

\*\*\*  
Ҳар ким ўз қобилияти, кучи, имконига яраша  
ҳаракат қиласа, тўғри йўл тутган бўлади.

\*\*\*  
Адолатлилик – бу ҳаракатдаги ҳақиқатдир.

Жозеф Жубер

\* \* \*

Адолат – күчсиз, күч өса адолатсиз –  
бир-бирисиз иккөви даҳшатлидир.

Жозеф Жүбер

\* \* \*

Адл ила олам юзин обод қил,  
Хулқ ила олам элинин шод қил.

Алишер Навоий

\* \* \*

Шоҳки, иш адл ила бунёд этар,  
Адл бузуқ мулкни обод этар.

Алишер Навоий


\* \* \*

Одамгарчилик қилиганга одамгарчилик қил,  
одамгарчилиги баробарида адолат  
билин жавоб бер.

Юсуф Хос Ҳожиб










## САБР – УМР ХАЗИНДАСЫ

Неъматга шукр этиш ўша неъматнинг ўзидан  
ҳам яхшироқдир.

Жаҳониёнин Румий



Сабр – гавҳардан қиммат.


Сабр қилганидан садаф ичидағи томғи дурға айланған.

Бой бўлишни истасанг, қаюатли бўл.

“Оталар сўзи”

Сабр-тоқатимиз куч билан эришилганидан кўра кўпроқ  
нарсага мушарраф этиши мумкин.

Эдмунд Бёрк





\* \* \*

Сабр ила боғлиқ иш очилур,  
Ишда ошиққан күп тойилур.

Алишер Навоий

\* \* \*

Бесабрлик одат бўлса инсонга,  
Отган ўқи тегмас асло нишонга.

Хаёлиддин ал-Ҳасаний

\* \* \*

Қашот меваси – роҳат, камтарлик меваси – муҳаббат.

Муъиниддин Жувайний

\* \* \*

Исрофгарчилик ақлга зид ишдир. Исроф деганда,  
кераксиз нарсаларга беҳудага пул сарф этиш, фойдасиз  
сарфлан тушунилади. Исрофгарчиликнинг охири  
ҳалокат билан тугайди.

Хаёлиддин ал-Ҳасаний

\* \* \*

Нельматим ошсан десанг уст-устига,  
Нон ушюғин сочма оёқ остига!

Фариғиддин Аттор

\* \* \*

Чидамли одамнинг ғазабидан қўрқ.

Жон Драйден

\* \* \*

Сабр шундай бир кучли нарсадирки, ғазабни – шижоатга,  
шиддатни – ҳилмга, катталикини – тавозега, ёмонликни –  
яхшиликка айлантирмакликка қуввати етар.

Абдулла Авлоний

Камга қаноат

Крий бол саналади.

Карло Гольдони

Томчи тошни күч билан эмас, балки муттасил  
томчилагани учун тешіб үтади.

Жордано Бруно

Дүнёю охират яхшилигини қаноатда, ёмонлигини  
тамада күрдім.

Нажмиддин Кубро

Киши учун энг фойдали, дилиң ёритувчи нараса қаноатдир.  
Энг заарали ва нафратли нараса ҳирс ва ғазабдир.

Абу Али ибн Сино

Үз кучини зарур бир мөъерда ушлаб туриш ҳам  
қаноат саналади.

Абу Али ибн Сино

Сабр билан ишлар битар, шошқолоқтык башта етар.

Хусайн Вонз Кошифий

Қаноат кишини қудратли қылтур.

Саъдий Шерозий

Сабрлы шод бўлар, сабрсиз мот бўлар.

Сабр қилсанг, ғўрадин ҳалво битар.

\* \* \*

Сабр – гүзәлдир, у инсонлар шикоят  
қила олмайдиган ягона нарасадир.

*Бишр Ҳофзи*

\* \* \*

Қаноат – туганмас хазина.

*Ҳадис*

\* \* \*

Кураңда голиб чиққап паҳлавон әмас, ғазабда  
үзини тийган паҳлавон.

*Ҳадис*

\* \* \*

Киши сабр-қаноатли бўлса,  
у албатта доно бўлиб етишади.

*Абу Наср Форобий*

\* \* \*

Инсонларниң доимий тобе бўлиб яшашлари, бошқалар  
томонидан ўз нағсани масхара қилинишига чидаш,  
жабр-зулмда тоқат қилиш, етишмовчилик кабилар  
кишининг қизиққон бўлишига сабаб бўлади.

*Абу Али ибн Сино*

\* \* \*

Сабр эт, ҳушёр бўл, иш қилма бўлиб танг,  
Шошилиб қилинган иш сўнги аттанг.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

\* \* \*

Учма баҳт деб, сабр эт, неклик қил кунда,  
Бил, баҳт бугун бунда, эртага унда.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Сабр деб инсон бошита түштүк алам за чиний бұлмайдыган  
оғриқни то енгүнта қадар уштаң түришта айтылади.  
Абу Али ибн Сино

\*\*\*  
Сабр билан яшаш – аңайтын оғир,  
аммо роҳати бошқача.

\*\*\*  
Сабрли киши албатта муродига етади.

\*\*\*  
Душманинга сабр қилиш – унинг устидан ғалаба  
Қозоңдигүй демакдир.

\*\*\*  
Сабр ғалаба келтиради.

\*\*\*  
Сабрнинг аввали аччиқ, охири әзә ширин!

Мұддымжо Зергүй

\*\*\*  
Сабр йўқ ҳар кишида, ҳикмат йўқ.

Съдий Шерозий

\*\*\*  
Мусибат етганды сабр қилувчи, берилған неъматларға  
шукр қилувчи, бирорларшынг қилмишини көчирувчи  
ўзи бирорвга озор етказсан тавбы қилувчи кишиларға  
хотиржамлик ва ҳидоят ато этилур.

Хадис



\* \* \*

Эй қарнимда ўтирган, сени кўриб турибман,  
Билдимки қайғу-ғамдан, юрагинг тўла қондир.  
Қийнаматин ўзингни, борингга сабр айла,  
Қапоатли кишидан, ғаму-кулфат ниҳондир.

*Иби ал-Хорис*

\* \* \*

Йигитлар учун – шарм-ҳаё ва баҳодирлик,  
кексалар учун – сабр ва маърифат яхшироқдир.

*Саъдий Шерозий*

\* \* \*

Қум қаноти билан азиз,  
одам – продаси билан.

*Хитой халқ мақоли*









## ЯХШИЛАР БҮЛКИН ДҮСТАЛАШ

Яхши күрган дүстингга  
яхши күрган молингни бер.

\* \* \*  
Душман сириңгни ўғирлар,  
Дүст хатоңгни тұғрилар.

\* \* \*  
Дүст бўлсанг, дүстингнинг айбизи тузат.

\* \* \*  
Айбиз дүст излаган дүстесиз қолади.

\* \* \*  
Дүстинг учун заҳар ют.

\* \* \*  
Дүст узоқда бўлса ҳам, кўнгли яқин.

\* \* \*  
Ёвга жонингни берсанг ҳам, сириңгни берма.

\* \* \*

Бу оламда дўстлар этмаса кўмак,  
Насиб этмас мақсад гулини термак.

Сатдий Шерзий

\* \* \*

Дўстлар, дўст бўлсангиз, дўстликни сақланг,  
Дўстликниң қадрини, салмоғин оқланг.  
Ўлганда юз соат йиғлаб тургандан  
Тириклик чоғида бир соат йўқланг.

Максуд Шайхзода

\* \* \*

Барқарорликсиз на севги, на дўстлик ва  
на яхшилик бўлмайди.

Жозеф Аддисон

\* \* \*

Шодлик ва қайгулик пайтларида дилини кудуратдан  
тозалаб, соғ дўстликни сақлаб қолган киши  
чин дўст ҳисобланади.

Абу Али ибн Сино

\* \* \*

Дўстлар ҳақиқатга кўрар кўз билан қарайди, кўнгилдан  
иғлослик ва шак-шубҳа зангини кетказади,  
чунки уларни холисанлиллоҳ дўстликдан  
бошқа ҳеч нарса бирлаштирумаган.

Абу Али ибн Сино

\* \* \*

Дўстлик инсоннинг шундай бир ҳолатидирки, бунда бошқа  
бировга яхшилик исталади. Шунда инсон яхшиликни ўзи  
учун истамайди, балки уни бошқа биров учунгина  
истайди, холос. Шу ҳолатда кишида бошқага нисбатан ях-

шилиқ қилишга чақиравчы хусусиит наидо бұлади.

Дүст – бу яхши күрүчилир. Дүст үз дүстининг курсайдлигіда ҳам, бағтесіз кемларіда ҳам қайту ва шодлигіта шерік бұлади.

Абу Али ибн Сино

\* \* \*

Аҳмоқ билан дүст бўлган фалокатта тайёрлансии!

\* \* \*

Жиззаки табиатли кишилар дўстликда камдан-кам барқарор бўладилар.

Люк де Клапье Вовенаре

\* \* \*

Оқил кишилар дўст билан душмании, душман билан дўстни алмаштиrmайдилар.

Абдураззок Самарқандий

\* \* \*

Икки нарса дилдаги ғам оғати: дўст дийдори, донишманд киши сухбати.

Абу Шукур Балгий

\* \* \*

Дўстлар фикридин ва душманлар макридин бепарволиғ жоиз эрмас ва бу иш надоматдин ўзга натижка бермас.

Алишер Навоий

\* \* \*

Кийимнинг янгиси яхши, дўстнинг – эскиси.

\* \* \*

Ўз дўстига фойдаси тегмаган дўст, унинг учун  
бегонага айланади.

*Поль Апри Гольбах*

\* \* \*

Бу оламда яхшилар ила дўстлашишни ҳамма ҳам хуш  
кўради. Агар зўр бўлсанг, ёмонларни ҳам  
дўстга айлантира бил.

*Баҳоуддин Нақибанд*

\* \* \*

Оқил дўсти бўлган кишининг кўзгуга эҳтиёжи йўқ.

*Жалолиддин Румий*

\* \* \*

Яхшилар билан дўстлаш.

*Абу Мансур Мотуридий*

\* \* \*

Ҳакимлар айтади: «Синалмаган дўстга ва синалган  
душманга ишонмоқ – катта хато».

*Хожа Самандар Термизий*

\* \* \*

Бир кипи бир улуғ одамдан сўради: «Ака-ука дилга  
яқинми ёки дўст?» У деди: «Ўз ака-укам садоқат  
йўлини тутгацдагина дилимга яқин».

*Муъиниддин Жувайний*

\* \* \*

Суҳбатга арзимас ҳар бир қора дил,  
Суҳбат учун яхши дўстлар пайдо қил!

*Муҳаммад Ҳусайн*

Содиқ ва вафодор дўст улким, ўз дўстидан рашжимайди,  
дўстининг душманини ўз душмани деб билади. Агар  
керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди.

«Амир Темур ўғитлари»дан

• • •  
Ҳар дўстки, дилида уч хислат бўлмас,  
Кеч ундан, дўстликка асло аразимас.  
Бири – вафодорлик, бири – сир сақлаш,  
Бири – молин сендан аямаса бас!

Муджалид Жаббарудий

• • •  
Ҳар нарсанинг яигиси, аммо дўстининг эскиси яхши.  
«Отальар сўзи»

• • •  
Бир ҳакимдан сўрадилар: «Қандай сафар энг узоқ  
сафар?». Жавоб берди: «Садоқатли дўстни  
қидириш сафари!»

Байт:  
Қидирган нарсани топиш мумкинлар,  
Бироқ содиқ дўстни топмоқ муаммо!  
Муканиддин Жувайний

• • •  
Дўстининг шапалоги душман ошидан яхши.

«Отальар сўзи»

• • •  
Дўст жамоли дардни аритади.

«Отальар сўзи»

\* \* \*

Қалб – сирларнинг идишидир, лаблар – унинг қулфи,  
тил эса – калитидир. Бас, ҳар бир киши сирининг  
калитини сақласин.

*Умар ибн Абдулазиз*

\* \* \*

Кимки кеккайр манманлик билан,  
Дўстлари охири бўлишар душман.

*Фаридиддин Аттор*

\* \* \*

Икки душман бутун ер юзига сифмайди, аммо икки  
дўст бир қарич ерга сиға олади.

*Асмаий*

\* \* \*

Дўстлар дийдоридан ортиқ қувонч, фироқидан  
ортиқроқ ғам йўқ.

*Абу Абдуллоҳ Рудакий*

\* \* \*

Аблаҳ дўст душмандан ёмондир, ёмон,  
Не ҳийлани билса, ишлатар осон.

*Жалолиддин Румий*

\* \* \*

Душман ҳам уч хил бўлади: душман, дўстингнинг  
душмани, душманинг дўсти.

*Юсуфий*

\* \* \*

Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун,  
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устуи.

*Абу Абдуллоҳ Рудакий*

\*\*\*  
Хар қаша бўлса ҳам одамда ағниқ,  
Ағниқроқдир доно дўстдан айрилиқ.

*Абу Абдуллоҳ Рӯдакӣ*

\*\*\*  
Дўстсиз яшаш мумкинмас, аммо ҳамма ҳам  
дўстликка арзивермайди.

*Муъиниддин Жӯвайнӣ*

\*\*\*  
Дўстларинг кўпаяр фаровонликда,  
Уларни синааб кўр ногавонликда.

*Хусрав Дедлавӣ*

\*\*\*  
Икки кишидан сен яширма дардинг:  
Бири – табиб эрур, бири – ҳамдардинг.

*Фаридиiddин Аттор*

\*\*\*  
Дўст уйида меҳмон бўлган вақtingда қўлингни,  
кўзингни, тилингни тия бил.

*Падлавон Маҳмуд*

\*\*\*  
Кимки душмандан қилмади ҳазар,  
Оқибат ундан кўради заар.

*Фаридиiddин Аттор*

\*\*\*  
Яхши либос – ташга оройиш,  
Яхши қўлдош жонга осойиш.

*Алишер Навоӣ*

\* \* \*

Дўстлар дилини ранжитиш –  
душмани муродига етказишdir.

*Ҳусайн Вонз Кошифий*

\* \* \*

Дунёда энг ёмон хислат дўстларга қилинадиган  
макр билан ҳийладир.

*Муҳаммад Жабалрудий*

\* \* \*

Оғир куиларда ёнингда турган одамгина  
инъомга сазовордир.

*Муъиниддин Жувайний*

\* \* \*

Самимий дўсти билан маслаҳатлашиб ишга тутиниш,  
душман билан муроса қилиш, аччиқ сўзни ютиш ва  
нағсни тийиш одами баркамол қиласди.

*Али Ризо*

\* \* \*

Ақлли, одобли, диёнатли одам билан дўст тутиниш керак.  
Бундай гўзал сифатларга эга одам самимий дўст бўлади.  
Самимий дўст ҳеч вақт сени унутмайди, сендан ёрдамини  
аямайди, ҳожатингни адо этади.

*Ибн Самок*

\* \* \*

Фамгин қаро кунда ким сенга ёр,  
Шодлик кунингда ҳам унутма зинҳор.

*Фариғиддин Аттор*

\* \* \*

Дўстингдан бир жафо келса, минг марта  
вафо қилганини унутма.

*Жалолиддин Румий*

\*\*\*  
Үйда ота-онаң - таяңчар-ардогинг, ташқарыда  
дүстүнгө - сұянар тоғынг

Хитой халқы мақоми

\*\*\*  
Чинакам дүст айттан ҳар үтіт, масал -  
Сирти - захар әтур, томири - асад.

Носир Хисраев

\*\*\*  
Хақиқий дүстлар құл билан күз кібидір. Құл  
оғриса, күз йиғлайды, күз йиғласа, құл уни артады.

Жәлолиддин Румий

\*\*\*  
Душман сенга зохирда яхши маслаҳат күрсатған қаби  
күринса ҳам, ҳақиқатда уннанг маслаҳатлари  
бузғуичиликнинг худди ұзындыр

Алишер Навоий

\*\*\*  
Дүст кенгашда билінади.  
Семиз - тобоқда.

\*\*\*  
Йүлга чиқсанг, йүлдошли чиқ.

\*\*\*  
Дүст ҳисоби күнгилда.

\*\*\*  
Ҳисоблы дүст айрылмас.

\*\*\*  
Қаторда иорнанғ бүлса, юқиннан ерда қолмайды.

\* \* \*

Дўст сўзини ташлама,  
Ташлаб бошинг қашлама.

\* \* \*

Олисдаги душмандаи,  
Онгиб юрган “дўст” ёмон.

\* \* \*

Дўст ачитиб гапирад,  
Душман кулдириб.

\* \* \*

Дўст бошга боқар,  
Душман – оёққа.

\* \* \*

Душманинг кулгани –  
Сирингни билгани.

\* \* \*

Дўстим деб, сирингни айтма,  
Дўстингнинг ҳам дўсти бор.

\* \* \*

Дўстга айтдим сўзимни,  
Душман билди сиримни.

\* \* \*

Сирингни сиртга чиқарма.

\* \* \*

Ёмон ўртоқ ҳам ошишгни ер, ҳам бошингни.

Инсоннинг ўзига берган энг  
яхши соваси – бир дўстдир.

Дўстнинг энг яхшиси –  
энг гўзал хулқлисидир.

Чин дўст – туғишганинг билан тент.

Яхшига дўст кўп, ёмонга йўқ қардош.

Махтумқули

Дўсти йўқ билан сирлаш,  
дўсти кўп билан сийлаш.

Абай

Агар одамларнинг кўзлари дўстлик назари билан  
қарагаида эди, ёмон деб юрадиган нарсаларини  
ёмонламасдан, яхши деб ҳисоблаган бўлар эдилар.

Абу Али ибн Сино

Дўст бу яхши кўрувчиидир. Дўст ўз дўстининг  
хуреандлигида ҳам, баҳтсизлик кезларида ҳам  
шодлиги ва қайғусига шерик бўлади.

Абу Али ибн Сино

Хақиқит дүст сенинг дүстингга дүст, душманингга ду ғана  
бұлади. Ү дүстининг душманидан узоқлашади, дүстиңнің  
дүстің иқиншіләшади. Бунинг ақсі бўлиши мумкин эмес.  
Чунки бунинг ақсі бўлса, душманлик саналади.

Абу Али ибн Сино

\* \* \*

Белни борла, даврингни сур,  
Дўсту душманин сиаб юр,  
Емон сўздан қулоқни бур,  
Сен гафлатда қолма, болам.  
Молим йўқ деб, қийнама жон,  
Давлат тошилур ҳар қачон,  
Душманингга берма омон,  
Ҳар чоқ ҳушёр бўлгин, болам.

Бердақ

\* \* \*

Атар дўстлик сандо-согирга ўхшаб, эҳтиёж талабига  
қараб исталса, унга зарурат бўлмаганида назарга  
илинмай тарик этилса, унда қандай дўстлик бўлади?

Абу Али ибн Сино

\* \* \*

Дўст ўз дўстини бирор кулфат юз берганидан ўзга вақтда  
жем зиерағ қылмаса, зарур бўлиб қолғандагина ослаб,  
бониҳа вақт осламаса, шу ҳам дўстлик бўлдими, ахир?

Абу Али ибн Сино

\* \* \*

Жуда ҳам ақллиниң дўсти бўлмайди.

Япон ҳалқ мақоми

\* \* \*



Ихими тушигушиб етиш – муваффақиятта эришиш сирилди.  
Ўзбек ҳалқ мақоми


\* \* \*

Инсандаги сир сақтай билиш хислати ошкор қилиш  
хавфи туғилғанда уни ушлаб тұра билувчи күчдір.

Абу Али ибн Сино







## ТИЛ - АКЛ БЕЗАРЫ

Ҳамма ишларингизда тўғри бўлинг,  
одамларга муомалада хулқингиз чиройти бўлсин.

Ҳадис

\*\*\*

Тил - дил қалити.

\*\*\*

Тилга эътибор - элга эътибор.

\*\*\*

Тили шириннинг дўсти кўп.

\*\*\*

Тилингда бўлса болинг,  
Кулиб ту - иқбалинг.

Тилни боғ - сал билан,  
Дилни боғда тил билан.

\* \* \*

Тиг жароҳати битар,  
Тил жароҳати битмас.

\* \* \*

Яхши сўз – мухтасар, чин сўз – мўътабар.

\* \* \*

Бир ширин сўз битказар  
Минг кўнгулнинг ярасин.

\* \* \*

Яхши гап билан илон инидан чиқар,  
Ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқар.

\* \* \*

Ақслига бир сўз бас,  
Ақлсизга минг сўз оз.

\* \* \*

Тил билан тугилган тугун,  
Тиш билан ечилемас.

\* \* \*

Тилдан чиққани – дилдан чиққани.

\* \* \*

Сўзининг боши қаттиқ бўлса,  
Охири тотлик бўлар.

\* \* \*

Буғдой ионинг бўлмаса ҳам,  
Очиқ юзинг бўлсин.

Оғиздан келганий демек – подоннинг иши,  
Олдиға келганий емак – ҳайвоннинг иши

Алишер Навоий

Хушмуомалаликниң ишончлы усули – юраги көнтликдир.  
Бельтисар Грасиан

Кишининг хушмуомалалиги иккинчи яхшылтигидир.

Тил зарбаси – наиза зарбасидан-да күчлироқ

Тил – фикрлар либоси.

Сьюзен Жонсон

Яхши сўз – жон озиғи,  
Ёмон сўз – бопи қозиги.

Кўп тилни билмоқ, битта қулфни кўп калит  
билиан очишга имкон беради

Вальтер

Тилинг бирла кўнглигини бир тут.  
Алишер Навоий

Дили тўғриининг тили тўғри.

\* \* \*

Ҳатто хушмуомалалик ҳам мөъридан ортиқ бўлса  
таҳқирланганилик ҳисобланади.

Бальтасар Грасиан

\* \* \*

Яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам бир оғиздан чиқади.

\* \* \*

Шириңсўзлик ва мулойимлик балони қайтаришга қодир.  
Бархурдор ибн Маҳмуд

\* \* \*

Агар жиддий фикрларни баён қилмоқчи бўлсангиз,  
аввал бемаъни нарсаларни гапиришдан тийилинг.

Люк де Клапье Вовенарг

\* \* \*

Ким кўп гапирса билингки, у бемаъни гапиради.

Унинг гапларидан наф йўқ.

Захириддин Муҳаммад Бобур

\* \* \*

Сўз қаттиғи эл кўнглига озор айлар,  
Юминоғи кўнгилларни гирифтор айлар.

Алишер Навоий

\* \* \*

Қалбдан чиққан сўз қалбга йўл олади.

Низомий Ганжавий

\* \* \*

Гапирмаган гапинг ичингда ниҳон,  
Ҳар томон ёйилар айтганинг замон.

Абулқосим Фирдавсий

Агар пинҳон ҳазина – ақл,  
Унинг қалити оғиздаги тил.

Амир Хусрав Дервишӣ

\* \* \*

Одам тилидадир балоиниг бари,  
Тилда ҳар кимсанинг фойда-зарари.

Носир Хусрав

\* \* \*

Ўз тилини идора қилолмаган одамда ҳақиқат бўлмайди.  
Махатма Ганди

\* \* \*

Айтур сўзни – айт, айтмас сўздан – қайт!  
Алишер Навоий

\* \* \*

Ҳеч бир айтилган сўз айтилмай қолган сўзчалик  
фойда келтирган эмас.

Плутарх

\* \* \*

Ҳамма билан яхши муомалада бўл, ҳеч кимни  
ўзингга душман қўлма.

Азиз ибн Муҳаммад Исаевий

\* \* \*

Бир калима ширин сўз қилични қининга киритади.

Амир Темур

\* \* \*

Ҳар сўзки, яхшилаб ўйланган эмас,  
Айтишу ёзишига кало арзимас.

Хожа Самандар Термизий

\* \* \*

Кишининг бошига нима келса, тилидан келади.

\* \* \*

Тилга кучи ета олган – доинишманд,  
Сўзга эрк берган – пасткаш аҳмоқ.

*Алишер Навоий*

\* \* \*

Тилим тинч бўлса, дилимда ўкинч бўлмайди.

\* \* \*

Кўнгил маҳзанинг қулфи тил ва у тил калитин сўз бил.  
*Алишер Навоий*

\* \* \*

Мулойимлик – ризқ сари етакловчи калит.

*Муҳаммад Зехний*

\* \* \*

Азизим, дилингга мулойимлик ва сабот нури билан оро  
берганини, ҳалим кишининг дили малоҳатли бўлади.  
*Хожа Самандар Термизий*

\* \* \*

Улуглигиниг ошса, хушхулқ бўлгил.

*Маҳмуд Қодирий*

\* \* \*

Яхши хулқдек олий касб йўқ.

*Ҳадис*

\* \* \*

Яхши хулқ энг яхши нарса дунёда,  
Халиқ севар барчадан шуни знёда.

*Фаридиддин Аттор*

Хәётда мұваффақият қозониш үчүн истеълоддан күра,  
кишилар билан хушмуомалада бўлиш кўпроқ муҳимдир.

Жон Леббок

\* \* \*

Хар бир тапни ўзгаларга сўзлашдан аввал ўзинтга айт.

Сенека

\* \* \*

Агар орадан шарму ҳаёй кўтаришса ва киши  
кишидан уялмаса, олам низомига халал етади.

Кошибий

\* \* \*

Бехруз Боқлий бундай деган эди: «Дунёда менга  
икки нарса хушдир: бири – дилга ёқадиган сўз,  
иккинчиси – сўз ёқтирадиган дил. Шодон кўнгилли  
киши шундай кишики, унинг дили сўздаған файз топа  
олади. Ёқимли сўз шундай сўзки, у кишининг  
дилига шодлик еткиза олади!»

Байт:

Жону таининг қуввати ёқимли ширин сўздир.  
Масижнинг нафасидан гувоҳлик берар алга!

Абдулбаракет Қодирий

\* \* \*

Ширин сўз – одамларниң қалбини боғловчи занжирдир.

\* \* \*

Кишида илм билан ҳалимликнинг  
бирга бўлиши буюк фазилат.

«Оталар сўзи»

\* \* \*

Кишининг фазилати тилидан билишади.

«Оталар сўзи»

\* \* \*

Тил ширинлиги – кўнгилга ёқимли, юмшоқлиги – фойдали.  
Чунки тил аччиқликка айланса, зарари умумий бўлур.  
*Алишер Навоий*

\* \* \*

Сўз кишининг юрагидан дарак беради.

«Оталар сўзи»

\* \* \*

Бузургмехрдан сўрадилар: «Эй ҳаким, киши учун энг  
ихни нареа шима?» Айтди: «Жим турмоқ, бехуда сўзларни  
айтишдан кўра индамай турмоқ!» Яна сўрадилар: «Агар  
у ҳам бўлмаса-чи?» Айтди: «Агар у бўлмаса киши учун  
адаб ихништир!» Яна сўрадилар: «Агар у ҳам бўлмаса-чи?»  
Айтди: «Ёқимни хулқ, одамлар билан очик юзли бўлиш,  
дўсту душман билан муроса қилиш!» Яна сўрадилар: «Бу  
хислатлар ҳам бўлмаса-чи?» «У пайтда одамнинг  
ўлгани яхши!»

*Муҳаммад Жабалрудий*

\* \* \*

Яхшилар билан ҳамсухбат бўлиш ва донолар  
билан мулоқот қилиш саодатга элтади.

*Ҳусайн Вонз Кошифий*

\* \* \*

Исполарга марҳаматли бўлинг, қадрингиз ошади.

*Али ибн Абу Толиб*

Яхшига қўшилган кишилар яхшилик томонга юради,  
шунинг учун сен олим, фозил, доно ва билимдан  
кишилар билан ҳамсухбат бўл, уларнинг сухбати  
кишиининг дил ойнасидан ҳире, таъма ва баҳислик  
туборини супуриб ташлайди.

*Назм:*

Софдиллик, хушхулқлик булар ҳаммаси.  
Билгинки, одобнинг берган меваси!

Бархурдор ибн Мадмуд

\* \* \*


Ўзгалар ғамини чекмаса одам,  
Анга нолойиқдир инсон деган ном.

*Саъдий Шерозий*

\* \* \*

Тилнинг вазифаси шуки, унда киши бир нарсанни  
айтса, бошқалар унинг мақсадини дарҳол  
англаши керак.

*Хитой ҳалқ маҳсоли*





## ВАТАНГА СӨДИКЛІК – МУҚАДДАС БҮРҮ

Кимки юртни севмаса, у ҳеч ким ва ҳеч нимани севмайды.  
Мағмұд да-Замғарий

\* \* \*

Хар бир одам учун ўз Ватани муқаллас.

\* \* \*

Хар бир ниҳол ўзига хос тупроқда илдиз отади.

\* \* \*

Ўзга әлнинг султони бўлгунча, ўз әлингнинг чўпони бўл.

\* \* \*

Эли бақувватнинг – беди бақувват.

\* \* \*

Ўз диёрини гуллатганинг баҳти гуллайди.

\* \* \*

Ваташпарварнинг юрагига –  
Ваташ харитаси илинган.

\* \* \*

Ватан тақдири – ҳар бир кишининг тақдиридир

\* \* \*

Ватан тинчлиги – жонлар ҳаловати.

\* \* \*

Ватанинварварлик – боболардан қолган мерос.

\* \* \*

Ишон – сийланган ерида азиз.

\* \* \*

Түгилған диёрдан узоқлашган сари у юракка яқинлашади.

\* \* \*

Сотқин – Ватанини сотиш билан ўз авлоду  
ажедодининг хокини ҳам пуллайди.

\* \* \*

Аскарининг кўкси – эл учун қалъа.

\* \* \*

Йигит – ҳарбий хизматининг берган сифатларини  
бониқа бирон ердан ололмайди.

\* \* \*

Ҳарбий хизматни ўташ – юрт шаънини  
қўриқлаш, демакдир.

\* \* \*

Олим деб, юртим деб ёниб яшаш керак.

*Ислом Каримов*

\* \* \*

Ватан қадрини билмаган ўз қадрини билмас.

Ватани борнинг бахти бор.  
Меҳнати борнинг – тахти.

\*\*\*  
Кимки юртни севмаса, у ҳеч ким ва ҳеч нимани севмайди.  
Мадмуд из-Замагшарий

\*\*\*  
Ватан менинг жону таним, саждагоҳимдур. У менинг  
тўлин ойим, тиич-омоним, иззатим, шарафим. Каъбам,  
қиблам ҳамда гулистонимдур.

Фитрат

\*\*\*  
Одам эрсанг ташқи суратга берма зеб,  
Она юртингни ҳамиша айла зеб.

Анбар Отин

\*\*\*  
Она юртинг омон бўлса,  
Ранги рўйинг сомон бўлмас.

\*\*\*  
Ҳар на яхшилик қилсанг, қилки юрт учун,  
Ўзингдан орттириб ўзгага бермак учун.

Ҳайдар Ҳоразмий

\*\*\*  
Кимки элни шод этибдур – давлати кам бўлмасин.  
Набиҳон Чустий

\*\*\*  
Элдан айрилгучча, жондан айрил.

\*\*\*  
Юрт қўрисанг, ўзарсан,  
Қўримасанг, тўзарсан.

\* \* \*

Еридан айрилган, етти йил йиғлар,  
Элидан айрилган, ўлгунча йиғлар.

\* \* \*

Юртдан айрилгани ёв чопади.

\* \* \*

Юртдан чиқсанг ҳам, әлдан чиқма.

\* \* \*

Әл билан кесилгап бармоқдан қон чиқмас.

\* \* \*

Әр йигитнинг қадрини,  
Оғаси әмас, әл билур.

\* \* \*

Ёвдан қўрққан – ёвга дўст,  
Элни суйған – эрга дўст.

\* \* \*

Әл қонса бирордин, әл ёмони бил они,  
Аҳволида идбор ниш они бил они.

*Алишер Навоий*

\* \* \*

Инсон юраксиз яшай олмаганидай,  
Ватансиз ҳам яшай олмайди.

*К.Г.Паустовский*

\* \* \*

Ватансиз инсон – қуисиз булбул,  
Баҳорсиз табиат – қалбсиз вужуд.

Эл-юрт агар сени яхи одам деб ҳисобласа,  
инсонийлигинг ҳам шу бўлса керак.

Абдулла Орипов

\* \* \*

Элга хизмат – олий ҳиммат.

\* \* \*

Эр йигит ўзи учун туғилар, эли учун ўлар.

\* \* \*

Ватанинг вайронаси –  
Умрнинг ғамхонаси.

\* \* \*

Йигит ғами – элида,  
Элнинг ғами – дилида.

\* \* \*

Тукқан элга жон тортмаса ҳам, қон тортар.

\* \* \*

Эл эгасиз бўлмас, тўн ёқасиз.

\* \* \*

Элига вафо қилган ёвига жафо қилур.

\* \* \*

Элинг сенга чўзса қўл,  
Унга доим содик бўл.

\* \* \*

Яхши йигит юрт тузар,  
Ёмон йигит юрт бузар.

\* \* \*

Ўзга юртнинг қозиси бўлгандан,  
Ўз элининг тозиси бўл.

\* \* \*

Ҳар гулнинг ўз иси бор,  
Ҳар элиниг ўз тузи бор.

\* \* \*

Балиқ сув билан тирик,  
Одам эл билан.

\* \* \*

Бегона тупроқ – девона тупроқ.

\* \* \*

Ваташга келган – иймонга келар.

\* \* \*

Ваташиз инсон – куйсиз булбул.

\* \* \*

Нон гадоси бўлсанг ҳам,  
Юрт гадоси бўлма.

\* \* \*

Она ернинг тупроғи она сутидан азиз.

\* \* \*

Эл бошига тушгани –  
Эр бошига тушгани.

\* \* \*

Ҳар қуши ўз уясига қараб учар.

\*\*\*

Күрітап юртта құл оқсокол.

\*\*\*

Юртинг омон – үзінді омон.

\*\*\*

Эл давлати – әлида.

\*\*\*

Әлдан айрилгунча жондан айрыл.

\*\*\*

Элга манзур – әрга манзур.

\*\*\*

Эл құдрати – чин құдрат.

Ватан тупроғи – қиммат.

\*\*\*

Химматли эр,

Үз әлин дер.

\*\*\*

Хар гул үз бутасида азиз.

\*\*\*

Үпкадан урган ал ёмон,

Әлидан айрилған әр ёмон.

Айрилмагин элингдан,  
Қувват кетар белингдан.

\* \* \*

Булбул чамани севар,  
Одам – Ватани.


\* \* \*

Эл ишига эринма,  
Иш қилдим, деб керилма.

\* \* \*

Жасоратли генералиниң құрқоқ аскари, ватанпарвар  
хукмдориниң хоин фуқароси бүлмайды.

*Япон халқ мақоли*







## ТИНЧЛИК – АЗИЗ НЕЙМАТ

Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиғ,  
Ёр ўлинг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш.

Алишер Навоий

\* \* \*

Тинч элнинг боғи гуллар.

\* \* \*

Тинчлик – баҳт, соғлиқ – таҳт.

\* \* \*

Тинчлик билан эл кўкарар,  
Ёмғир билан – ер.

\* \* \*

Тинчлик учун курашиш керак.

Ислом Каримов

\* \* \*

Одам учта нарсанинг қадрини доимо кечикиб билади:  
соғлиқ, ёшлиқ, тинчлик...

Ўтқир Ҳошимов

\* \* \*

Қўшиниг тинч, сен тинч.

\* \* \*

Ўзи бемалолнинг, сўзи бемалол.

\* \* \*

Уйида бахти борлар – ҳар ерда бахтиёрдир.

Мажмуд Тоур

\* \* \*

Уйида роҳати йўқнинг, кўчада фарогати йўқ.

\* \* \*

Қўшининг билан аҳил бўл, аммо ўртадаги  
деворни олиб ташлама.

\* \* \*

Саломдан сўнг тинчлик келгай ҳар жонга.

Юсуф Хос Ҳожиб

\* \* \*

Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошланғич  
асое инсонийликдир, шунинг учун ҳам, одамлар инсоният  
туркумига кирганиликлари туфайли ўзаро тинчликда  
яшамоқлари лозим.

Абу Наср Форобий

\* \* \*

Салом демак – кимга бермак омонлик,  
Алик олган билким, кўрмас ёмонлик.

Юсуф Хос Ҳожиб


\* \* \*


Саломни ёмонлик истамас айтар,  
Жавоб саломатлик олгандан қайтар.

Юсуф Хос Ҳожиб

Күчлилар күңизін саломни одат  
Қылғаңда топарди дүне саодат.

Юсуф Хас Хожиб







## КАМТАРГА - КАМОЛ. МАНМАНГА - ЗАВОЛ

Оқыл ул сүзни ўриида сүзлагай,  
Хам жавобини муносиб күзлагай.

Сайғи Саройи

\*\*\*  
Камтар етар муродға,  
Манман қолар уятта.

\*\*\*  
Оқылу ҳүшёр бўлсанг, ғам ема,  
Бангю тарёкини одам лема.

\*\*\*  
Оқылга ишорат,  
Нодонга калтак.

\*\*\*  
Ҳақиқий инсон ташқи томонга қараб баҳо бермайди.  
Юзаки томонгагина қараб мақтанувчи кишини одам  
деб бўлмайди.

\*\*\*  
Мансабдор мол тўплайди, оқил эса – фазилат.



\* \* \*

Оқил йигит – подон қариядан яхшидир.

\* \* \*

Оқил кишига фақирлик йўқдир.

\* \* \*

Оқил бўлса, устоз ҳақ бўлар,  
Шогидлари албат халқ бўлар.

\* \* \*

Оқил ўғлон билгай оқил қадрини.

*Толибий*

\* \* \*

Ҳали ҳеч ким камтарона яшаганидан афсусланмаган.  
Виждонинг буормаган ҳамма нарсадаи ўзингни тий.

*Лев Толстой*

\* \* \*

Камтарлик – бу фақат безак эмас, балки эзгулик  
қўриқини ҳамдир.

*Жозеф Аддисон*

\* \* \*

Мағрурлик етарлигча фикрламасликдан ва  
ўзини ўзи билимасликдан келиб чиқади.

*Жозеф Аддисон*

\* \* \*

Ўз фазилатларимиз ҳақида қанча гапирсак, уларга  
ицониш шунчак қийин бўлади.

*Эдм-Пьер Бошен*

\* \* \*

Кишининг камтарлиги унга ҳурмат келтиради.

Кимда-ким маймандын, ўзини балаңд тутса,  
уни на халқ, на тангри севади.

Адмад Югнакий

\* \* \*

Такаббур ҳамиша нафратта лойик.  
Мулойимлик эса – энд яхши қилиқ  
Ўзин катта тутса ким маймансираб,  
Уни на халойиқ севар, ва Холиқ.

Адмад Югнакий

\* \* \*

Камтарлик дарахтин ўтқазсанг агар.  
Мұхаббат мевасини ейсан ҳар қачон.

Мүшниғдин Жувайний

\* \* \*

Камтарлик шундай бир хислатки, бұу билан инсон  
билим-маърифати, күч-құдратини яшириб, ўзини  
табиатан ожиз, әзилған ва ўз жинсіда юқори даражага  
күтарилишда бирор камчилити бордек сездирадиган  
бўлади. Яна бир хил одамлар бошқа бирордан нағсоний  
ёки жисмоний томондан ўта ортиқлигини яшириб  
келадиган бўлади.

Абу Али ибн Сино







## ҰЫРЫТ СҮЗДАН, АРСЛОН ҰЗДАН ҚАЙТАС

Жасорат – сизда мавжуд бўлган  
танлаш имкониятидир.

Терри Андерсон

\* \* \*

Қийинчиликларни пинҳон тутмоқ мардлик нишонасидир.

Фазаби келганда ўзини тия олган – марддир.

Кечира олиш – мардлик, кечира билмаслик – номардлик.

“Амир Темур ўғепшари”дан

\* \* \*

Кимки санинг айбингни айтур савга,  
Шафқат ила лутфи қарам қил анга.

\* \* \*

Нолиш билан иш битмайди,  
Мард номардга тиз чўкмайди.

\* \* \*

Мард келдинг, мард кетгил, тоқатинг ток бўлса ҳам,  
Ўтма помард кўпригидаи, сув сени оқизса ҳам.

Оразу

\* \* \*

Ғалаба қилишини эмас, қандай қилиб мағлуб  
бўлмаслик ҳақида ўйла.

Япон ҳалқ мақоли

\* \* \*

Совут кийиб, маъракада жон берган,  
Кетмои уриб, кеча-кундуз нон берган.

\* \* \*

Юз помарддан юз қайтар,  
Бир мардни ҳар ким мақтар.

\* \* \*

Помардининг жойи – жаҳаннам.

\* \* \*

Ё эр бўл, эр бўлмасанг, қора ер бўл.

\* \* \*

Арслонининг ўлиги,  
Сичқонининг тириги.

\* \* \*

Эрга – навбат,  
Шерга – навбат.

\* \* \*

Ботирининг мушити ҳам яроқ.

И бир ёндаи, юз бир ёндан – ботир юрар майдоидан.

\* \* \*

Эрнинг сўзи битта.

\* \* \*

Ваъдага вафо – марднинг иши,  
Ваъдасиз – субутсиз киши.

\* \* \*

Эр йигитга икки номус – бир ўлим.

\* \* \*

Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил.

\* \* \*

Жасур жангдан қўрқмайди,  
ёвдан сира ҳуркмайди.

\* \* \*

Жасорат – бу қўрқишингизни сиздан бошқа ҳеч  
ким билмайдиган ҳолат.

Франклин П.Жонс

\* \* \*

Қаҳрамон оддий одамдан унчалик фарқ қилмайди, фақат  
у ўз жасоратини беш дақиқа кўпроқ сақлай билади.

Ральф Эмерсон

\* \* \*

Мард бўлсанг – майдонга чиқ.

\* \* \*

Қочоққа шафқат йўқ, қўрқоққа – ҳурмат.



\* \* \*

Ақл ва жасурлик, агар содиғлик  
ёддан чиққан бўлса, қуруқ сўзлардир.

*Вишакхаджана*

\* \* \*

Кўрдимки, энг поёб иеъмат ростгўйлик ва мардлик,  
энг оғир бало мунофиқ дўстлар экан.

*Нажмиддин Кубро*

\* \* \*

Йўқотадиган нарсаси йўқ одам билан курашга  
киришишмайт, бу – тенглар жангি эмас.

*Бальтасар Грасиан*

\* \* \*

Одамларининг ботири келажакдаги мушкулотдан  
кўрқмайди. Камолга етишдан четланган киши  
одамларининг энг қўрқоғидир.

*Абу Али ибн Сино*

\* \* \*

Бузилган ишини ботир тузар.

\* \* \*

Ботир топса, барча ер.

\* \* \*

Кўрни – кўр билади,  
Зўрни – зўр билади.

\* \* \*

Ориф ботир одам бўлади, шундай бўлмай ҳам бўлармиди?  
У ўлимдан ҳам қўрқмайдиган, саховат эгаси бўлади.  
Шундай бўлмай ҳам бўлардими! У барча беҳуда  
нарсаларга ҳире қўйишдан узоқ ва барча

адашгайларга мөхрибон  
Шундай бўлмай ҳам  
бўлармиди! У ўз нафсони и билан улутвор бўлади.  
Шундай бўлмай ҳам бўлардими!

Абу Али ибн Сино

\* \* \*

Мард билан улфат бўлган мардликка етади, ишмардга  
яқин юрган киши ғамдан боши чиқмайди. Мард одамнинг  
ваъдаси ҳам нақд, ҳам тез бўлади.  
«Оталир сўзи»

\* \* \*

Тараққиёт факат жасорат туфайлигинага рўй беради.  
Виктор Гюго

\* \* \*

Жасорат қолган барча эзгу фазилатларнинг посбони ва  
таяничидир. Кимки бу сифатдан маҳрум экан, ўз бурчини  
қатъийлик билан бажариш ҳамда чин инсонга хос барча  
яхши фазилатларни намойиш этишдан ожиз қолади.  
Барух Спиноза

\* \* \*

Қўрқув қалб ожизлигининг мевасидир.  
Барух Спиноза

\* \* \*

Инсон – курашчи демакдир.

\* \* \*

Яшаш учун ғалаба қозонишни ўрган.

\* \* \*

Йигитта мардлик ярашар.

\* \* \*

Мард – кураңда, дүст – ташшыңда,  
доноғазабда синалар.

\* \* \*

Мард – майдонда билинар, номард – иңда.

\* \* \*

Үз айбины билгани – мард.

\* \* \*

Мардни әл севар,  
Номардни ким севар.

\* \* \*


Йигит омон бўлса, хавфу хатар йўқ,  
Қалқон бор, қалъа – бут, қўргон – саломат.

*Faфур Fулом*









## МЕХР БЕРМАДА ОҚИБАТ КУТАДА



Одамийликининг белгиси ҳиммат билан мурувватдир,  
одам ўз ҳиммати ва муруввати баробарида қадрланади.

Юсуф Ҳос Ҳозсигб

\* \* \*

Кишининг ҳусни – ҳалимлигидадир.

\* \* \*

Мурувват бирла жонни нисор эт.  
Ҳамиша яхшиликни шюр эт.

Сайкәтий

\* \* \*

Ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати ўз ишини қойил  
қилиб бажаришида кўринади.

Абу Райҳон Беруний

\* \* \*

Ўзгага мурувватли бўл, ўзинга қаттиққўл.  
Хитой ҳалқ мақоли

Тұрт нараса муруваттің бузади: улуғларшың бағыллық ва  
олимларни кибр, майманлық, хотинларни  
бешармлық, әрқакларни әса ёлғончылық.

Хөжас Ахрор Валий

\* \* \*

Үзингдан улуғлар сенің раҳм қылишінін хоқласаңг,  
үзингдан пастларга раҳм қыл. Мәхрибонлық фақат  
инсонниң эмас, ҳатто ҳайвонни ҳам ром қилади.

«Оталар сүзи»

\* \* \*

Мәхр күрсат, кирай десаңг дилларга,  
Мәхрсизлик үзингни ҳам қақшатар.

Чустий

\* \* \*

Одамийліккінің белгиси ҳиммат билан муруваттың, одам  
үз ҳимматы ва муруватты баробарида қадрланади.

Юсуф Хос Ҳожиб

\* \* \*

Фойдалы одам – одамларнің сарасидир,  
мәхрибон одам – одамларнің аслидир.

Юсуф Хос Ҳожиб

\* \* \*

Күз қаерда бўлса, мәхр ҳам шу ерда.

\* \* \*

Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

\* \* \*

Ош – әгаси билан,  
Гул – барғи билан.

Киши бўлсан кишининг  
Киши билан иши бор.  
Киши бўлмаган кишининг  
Киши билан нима иши бор.

\* \* \*

Кишиларга хизмат қилиш ҳар бир одамнинг энг  
муқаддас бурчидир.

\* \* \*

Меҳрибонлик, раҳмдиллик – иймондандир.

\* \* \*

Марҳамат этмаган кимсага марҳамат бўлмайди.  
меҳр кўрсатилмайди.

\* \* \*

Қизи юк кўтарса, онанинг бели қайишади.

\* \* \*

Бўлганда ҳам замона охир,  
Меҳр қолур, муҳаббат қолтур.


Муҳаммад Юсуф

\* \* \*

Меҳр дарахтида оқибат меваси етилади.

\* \* \*

Хурмат ва муҳаббат талаб қилинмайди.





## БИРЛАШГАН ДАРЁ БҰЛУР

Халқни бир одам деб, бир одамни бутун халқ деб бил.  
Ўзбек халқ мәжәми

\* \* \*

Кимсанинг ўзи ёлғиз бўлса, унинг хунари ҳам йўқ  
кабидир, чунки ёлғиз киши киши қаторида бўлмайди.

Алишер Навоий

\* \* \*

Бирлашган – ўзар.  
Бирлашмаган – тўзар.

\* \* \*

Айрилганни – айиқ ер,  
Бўлинганни – бўри ер.

\* \* \*


Тўдадан ажраган тўрга тушар.

\* \* \*

Қатордан қолгуича хатардан қол.

\* \* \*

Үюр қўйдан бўри ҳам қўрқар.



Күнлашган – ёвни қайтарар.

Харна тавго келса, күпликтан келур,  
Рашку меңнат – якка, йүқликтан келур.

Күн оғиз бир бўлса, бир оғиз бўлади.

Кўндан қуёни қочиб қутулмас.

Кўнши келди – кўмак келди.  
Эт келди – суюк келди.

Бир кўрган – таниш,  
Икки кўрган – билиш.

Арғамчига қил – қувват.  
“Ҳайт” деган – туяга мадад.


Оға-ини тотув бўлса, от кўп,  
Она-сингил тотув бўлса, ош кўп.

Одам одамга ғанимат.

Одам – одам билан, писта – бодом билан.

Иисонлар билан ҳар соҳада алоқа ўрнат.

Роидар қарома-қаршилиги кишиларни бирлаштирмайди.





## МУНДАРИЖА

СЎЗБОНИ ЎРИИДА.....	5
ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАЪРУЗАЛАРИДАН ИҚТИБОСЛАР.....	8
ЕШЛИК – УМР БАҲОРИ.....	29
АНУШЕРВОНИ ОДИЛ ҲИҚМАТЛАРИ.....	35
МЕҲНАТНИНГ ТАГИ – РОҲАТ.....	43
САҲИЙЛИК ШАРАФ КЕЛТИРАДИ.....	55
КИШИНИНГ БЕЗАГИ – ОДОБИДИР.....	71
БИЛИМ БАХТ КЕЛТИРАР.....	83
ҲАСАДГЎЙГА РОҲАТ ЙЎҚ.....	105
ВАҚТИНИГ КЕТДИ – ПАҚДИНИГ КЕТДИ.....	111
ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЕРІ.....	119
ҲУНАРЛИ КИШИ ХОР БЎЛМАС.....	129
ОТА-ОНАГА МУҲАББАТ.....	139
УСТОЗ ОТАНГДЕК ҲУЛУФ.....	145
КИТОБ – БИЛИМ ЧИРОФИ.....	149
КУЧ – АДОЛАТДА.....	155
САБР – УМР ХАЗИНАСИ.....	169
ЯХИИЛАР ВИЛАН ДЎСТЛАШ.....	177
ТИЛ – АҚЛ БЕЗАГИ.....	191
ВАТАНГА СОДИҚЛИК – МУҚАДДАС БУРЧ.....	201
ТИНЧЛИК – АЗИЗ НЕЙМАТ.....	211
КАМТАРГА – КАМОЛ, МАИМАНГА – ЗАВОЛ.....	215
ШИГИТ СЎЗИДАН, АРСЛОН НИЗИДАН ҚАЙТМАС.....	219
МЕҲР БЕРМАЙ, ОҚИВАТ КУТМА.....	227
БИРЛАШГАН ДАРЁ БЎЛУР.....	231

## ЕШЛАРГА ДОНОЛДАР ҮТИТУ

*Түзүвчилар: Оқил Салимов, Қаҳрамон Қурағиев,  
Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Нуритдин Халилов*

*Тақризчи Мұхаммаджон Қуронов, педагогика ғаһндары  
доктори, профессор*

Мұхаррір Илхом Зойиров  
Дизайн ва сақиғалаш Шуҳрат Мирғаёзов  
Техник мұхаррір Ҳосият Ҳисанова  
Бадий мұхаррір Ҳасан Аминов  
Мусаххих Доно Тұйчиева

*Ушбу китобда миниатюрачи рассомлар Камол Мирзаев,  
Комил Омонов, Даврон Тошев, Сардор Маҳкамов, Мағтұна  
Мирзараҳмонова, Ашурой Азизова, Ҳикмат Мұхтаров,  
Шарофат Абдулмуталова, Беҳзод Жӯрабоевининг  
асарларидан фойдаланылди.*

**УЎК 398 (5751)/821.512.133-84(07).**

**КБК 82(5Ў)**

**C 26**

*Ешларга доилар ўгити / Тузувчилар: О.Салимов, К.Куронбеков, М.Бекмуродов, Л.Тангриев, Н.Халилов. – Тошкент, Faafur Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – 236 б.*

Бутун дунё мутафаккирлари ва улуг аждодларимиз буюк маънавиятининг маҳсулли бўлмиш доно фикрлар, панд-насиҳатлар ва даъватлар халқимизни тўғри йўлдан адашмасликка ундовчи йўлчи юлдуз бўлиб келган. Шу нуқтани наъардан келиб чиқкан холда, ушбу китобда Президентимиз Шавкат Мирзиёевининг сиплар тарбиясига оид дил сўзлари хамда дунё мутафаккирларининг хикматли сўзлари, айникеа, сиплар ички олами, руҳий дунёси, онгу шуурини шакллантиришига хизмат киладиган халқ макол-маталларидан намуналар жамланди.

Ўйлаймизки, мазкур ўгитлар ёш авлоднинг комил шахс сифатида шаклланшида, бисим ва ахлоқ-одобга эга бўлишида, шунингдек, уларни меҳнатсеварлик, илм-хунар эгаллари, ота-онага ҳурмат, устозларга эҳтиром кўрсатиш каби фазилатлар соҳиби бўлишга уидаб, ватанга садоқат руҳида тарбиялашга ўргатади.

**УЎК 398 (5751)/821.512.133-84(07).**

**КБК 82(5Ў)**

---

Нашриёт лицензия рақами АI № 290. 04.11.2016

2018 йил 10 апрелда босишга руҳсат этилди.

Бичими 84x108 1/16. Journal Accent гарнитураси.

Офисет босма. Шартли босма табоқ 25,2.

Нашр тобоги 28,8. Адади 10 000 нусха.

185 - рақамли буюртма.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг  
Faafur Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий  
уйида чоп этилди. 100128, Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Телефонлар: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29

Факс: (371) 241-82-69

[www.gglit.uz](http://www.gglit.uz)      [info@gglit.uz](mailto:info@gglit.uz)

© О.Салимов, К.Куронбоев,  
М.Бекмуродов, Л.Тангриев, Н.Халилов

© Faafur Гулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018

ISBN 978-9943-5214-8-3

